

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг АХБОРОТНОМАСИ

№5/2020(152) 1995 йилдан чиқа бошлаган

БЮЛЛЕТЕНЬ Верховного суда Республики Узбекистан

БОШ МУҲАРРИР:

Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ

Робохон МАХМУДОВА

Икрам МУСЛИМОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ

Бахтиёр ИСАКОВ

Светлана АРТИКОВА

Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Нодирбек САЛАЕВ

Замира ЭСОНОВА

Олим ҲАЙИТОВ

Азиз МИРЗАЕВ

Бобомурод РАЙИМОВ

Журнал 2007 йил
19 апрелда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0249-рақам билан
рўйхатдан ўтган.

Республика Олий
аттестация комиссияси
Раёсатининг 2004 йил
17 декабрдаги 110/4-сонли
қарорига асосан ҳуқуқий,
илмий-амалий журнал
ваколати берилган.

Босишга 20.10.2020 йилда
топширилди. Бичими: А4.

«Muharrir nashriyot» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй.
Адади: 3630 нусха.
Буюртма № 135.

МУНДАРИЖА

2. **А. САИДОВ,**
*Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига
аъзолигининг тарихий аҳамияти*
4. **А. САИДОВ,**
Ўзбекистон янги Ренессанс марказига айланмоқда
8. **Р. МАҲМУДОВА,**
Гендер тенглик
12. **А. ЭШМУРОДОВ,**
*Судлар фаолияти давр талаблари ва
халқаро стандартлар асосида такомиллашди*
17. **С. ДЖОЛДАСОВА,**
*Фуқаронинг йўқотган паспортини тиклаш бўйича тартиб-
таомилларни такомиллаштириш масалалари*
20. **О. ФАЙЗИЕВ,**
*Аҳоли муурожаатлари — жамиятда саводхонлик
даражасини кўрсатувчи индикаторлардан бири сифатида*
23. **И. РАҲАБОВ,**
*Аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар
тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган
органлар (мансабдор шахслар)*
31. **М. УСМОНОВА,**
*Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишларни
кўришида қонунчиликни қўллаш амалиёти ва ажримларнинг
келиб чиқиш сабаблари*
35. *Судьялар олий малака ҳайъатининг судьяларга
малака даражалари бериш тўғрисидаги қарори*

СОДЕРЖАНИЕ

38. **С. РАХМОНОВА,**
*Реализация предварительного слушания дела: понятие,
структура и процессуальная форма*
43. **У. ТУХТАШЕВА,**
*Некоторые аспекты совершенствования процессуального статуса
субъектов обжалования и опротестования в уголовном процессе*
47. **Д. БАЗАРОВА,**
*О системе процессуальных гарантий обеспечения прав
участников уголовного процесса*
54. **Д. ДЖУРАЕВ,**
*Разграничение компетенции административного суда и суда по
гражданским делам в отношении требования о возмещении вреда*

Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзолигининг тарихий аҳамияти

2020 йил 13 октябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси сессиясида бўлиб ўтган сайловларда Ўзбекистон миллий давлатчилигимиз тарихига илк бор БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига уч йил мuddатга — 2021-2023 йилларга сайланди. Мамлакатимиз учун БМТга аъзо 193 давлатдан 169 таси овоз берди. Бу сайловда энг кўп овоз берилган давлат Ўзбекистон бўлди.

А. САИДОВ,

Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази директори

Ушбу аъзоликнинг тарихий аҳамияти нимада?

Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзолигининг тарихий аҳамияти қуйидагилардан далолат беради.

Биринчидан. Бу — Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мақсад этиб белгилагандек ва ўзи орзу қилгандек яшашга интилаётган, Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатиб берилган ёруғ истакларига яраша янгидан-янги самараларга эришаётган янги Ўзбекистон халқи қўлга киритган яна бир оламшумул ютуқдир.

Иккинчидан. Бу — давлат раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси ушбу соҳада давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни шакллантириш, халқаро майдонда мамлакат нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётганининг ёрқин далолатидир.

Учинчидан. Бу — Президентимиз раҳбарлигида Ўзбекистоннинг мутлақо янгиланган ташқи сиёсатини амалга ошириш, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, Марказий Осиё минтақаси давлатлари билан муносабатларни ўзаро дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик руҳида сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш масалаларига алоҳида урғу

берилаётгани халқаро ҳамжамият томонидан юксак эътироф этилгани ҳамда қўллаб-қувватланаётганининг ўзига хос ифодасидир.

Тўртинчидан. Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида таъкидлаганидек, **"Жамиятни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларимиз натижасида янги Ўзбекистон шаклланмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги демократик ўзгаришлар ортга қайтмайдиган тус олди"**.

Янги Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги изчил янги сиёсати

Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясидаги нутқида қайд этилганидек, кейинги тўрт йилда аҳоли ва партияларнинг сиёсий фаоллиги, фуқаролик жамияти институтларининг роли, оммавий ахборот воситаларининг таъсири тобора ошиб бормоқда. Биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳолат ҳам тубдан ижобий томонга ўзгарди. Мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тугатилди. **Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилинди.** Бу жаҳон амалиётидаги ноёб ҳужжатдир.

БМТнинг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган чақириғига жавобан жорий йилнинг ўзида 50 минг юртдошимизга Ўзбекистон фуқаролиги берилди.

Мамлакатимизда диний эркинлик борасида ҳам вазият кескин яхшиланди. Миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик янада мустаҳкамланмоқда.

Судларнинг чинакам мустақиллиги ва қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган кенг қамровли ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Коррупцияга қарши мурасасиз кураш янги босқичга кўтарилди.

Ўзбекистон сўнгги йилларда эришган бу каби муҳим натижаларнинг барчаси БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши асосий вазифалари билан уйғун ва ҳамоҳанг. Бинобарин, мазкур Кенгашнинг бош вазифаси — эркин-

лик, қонун устуворлиги ва адолатни тарғиб қилишдир.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши қандай ташкилот?

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 2006 йилда ташкил этилган бўлиб, БМТ Бош Ассамблеясининг органи ҳисобланади. У ўз мажлисларини мунтазам, йилида камида уч марта ўтказиши мумкин.

Ушбу сессиялардан бири асосийси саналади ва унинг иши ўн ҳафта давом этади. Кенгаш аъзоларининг учдан бир қисми талаби асосида, жумладан, муайян мамлакатлардаги инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ ташвишли аҳволни ўрганиш мақсадида махсус фавқулодда сессиялар ҳам чақирилиши мумкин.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши қароргоҳи Женева шаҳрида жойлашган. Кенгашга 47 та давлат аъзодир.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзолик учун бешта минтақадан давлатлар танланади. Яъни Осиё-Тинч океани, шу жумладан, Марказий Осиё минтақасидан — 13 аъзо, Африкадан — 13 аъзо, Шарқий Европдан — 6 аъзо, Лотин Америкаси ва Кариб давлатларидан — 8 аъзо, Ғарбий Европа ва бошқа минтақалар, жумладан, АҚШ, Канада ва Исроил давлатлари орасидан — 7 аъзо уч йил муддатга бевосита яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

БМТ Бош Ассамблеяси сессияси делегатлари 13 октябрь куни БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига 15 та аъзо давлатни сайлади. Улар сафида Ўзбекистон, шунингдек, Буюк Британия, Боливия, Хитой, Габон, Кот-д'Ивуар, Куба, Малави, Франция, Покистан, Мексика, Непал, Россия, Сенегал ва Украина бор.

Янги аъзоларнинг ваколати 2021 йил 1 январдан бошланади.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши сари йўл

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши жаҳон бўйлаб бу борадаги вазиятни назорат қилиб, ҳукуматларга кўрсатма ва тавсиялар бериб боради. Энг муҳими, мазкур Кенгашга аъзо ҳар бир давлат ўз мажбуриятларини ёдда тутиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари билан боғлиқ мезонларга амал қилишда намуна бўлиши лозим.

Шу маънода, Ўзбекистоннинг БМТ органига аъзолик учун интилгани бежиз эмас. Бу самарадор саъй-ҳаракат давлатимиз БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзо-

сига юклатиладиган мажбуриятларни астойдил бажариш ва инсон ҳуқуқларини глобал миқёсда ҳимоя қилишга қатъий бел боғлангандан далолатдир.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига 2021-2023 йилларга сайланиши учун Ўзбекистон номзодини илгари суриш вазифаси давлатимиз раҳбари томонидан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгилаб берилганди.

Шу асосда ўтган даврда комплекс чоратadbирлар режаси ишлаб чиқилди ва изчиллик билан амалга оширилди. Хусусан, мавжуд тартиб-қоидаларга асосан номзодлик БМТ Бош Ассамблеяси рўйхатидан ўтказилди ва дипломатик саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилди.

2019 йил октябрь ойида эса, БМТ Бош Ассамблеясининг 60/251-сонли резолюциясига мувофиқ, БМТнинг **"Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига 2021-2023 йилларда тақдим этиладиган Ихтиёрий мажбуриятлар ва ваъдалар" хужжати тақдим этилди.** Шунингдек, ушбу ваъдаларни қисқа таҳлил қилувчи яна 2 та хужжат тайёрланди.

Мазкур хужжатлар БМТ Бош Ассамблеяси ва Инсон ҳуқуқлари кенгашида ҳамда Ўзбекистоннинг дипломатик ваколатхоналари орқали аъзо-давлатлар ўртасида кенг тарқатилди.

Ўзбекистон тақдим этган "Ихтиёрий мажбуриятлар ва ваъдалар"да мамлакатда инсон ҳуқуқлари соҳасида эришилган ютуқлар ва амалга оширилаётган ислохотлар билан бирга, бу борада келгусида бажариладиган вазифалар ҳам акс эттирилган. Халқаро, минтақавий ва миллий доираларда Ўзбекистоннинг истиқболдаги мажбуриятлари ва режалари батафсил тақдим қилинган.

Ушбу мажбуриятларни 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартиби доирасида амалга ошириш белгиланган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунга қадар режадаги айрим ихтиёрий мажбуриятларни бажаришга киришилган.

Ўзбекистоннинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси бўлишидан кўзлаган мақсади эзгу ва холис. Биз мамлакатимизда ҳам, жаҳон миқёсида ҳам ҳуқуқ ва қонун устувор бўлиши, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳар томонлама таъминланиши, ҳимоя қилиниши ва рағбатлантирилиши тарафдоримиз.



Ўзбекистон янги Ренессанс марказига айланмоқда

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқига таъкидлаганидек, бугун жаҳон миқёсига юртимиз ҳақида сўз кетганда "Янги Ўзбекистон" ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришяётган залворли ютуқларимизнинг эътирофидир.

Акмал САИДОВ,
академик

Бугун мамлакатимизда таълим-тарбия соҳаси ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, илм-фан, маърифат соҳаси вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, интеллектуал бойликнинг кадр топаётгани халқимизнинг тарихи, тийнати, менталитети, асрий қадриятлари, орзу-умидлари билан бевосита боғлиқ.

Президентимизнинг **"Дунёда энг катта бойлик — ёшлиқда олинган би-**

лим ва эгалланган касб-хунарدير" деган фикрлари бежиз эмас. Тарихий мисолларга мурожаат қилайлик:

Буюк аждодимиз **Абу Али ибн Сино** 4 ёшида Қуръони тўлиқ ёд олган. Бугунги кунда Қуръони Каримдан кейинги муборак китоб дея тан олинган "Саҳиҳи Бухорий"ни тузган алломаимиз **Имом Бухорий** 11 ёшида устози ад-Доҳилийнинг илмидаги хатоликни тузатган.

Улуғ шоир ва мутафаккир **Алишер Навоий** 6 ёшида шеърлар ёза бошлаган ва Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" асарини

ёддан билган. Ҳассос шоир ва шоҳ бобокалонимиз **Заҳириддин Муҳаммад Бобур** эса, 12 ёшида тахтга ўтирган.

Аждодларимиз нима учун бу қадар етук олиму шоир, алломаю маърифатпарвар, бир сўз билан айтганда, буюк инсонлар бўлган?

Чунки, аввало, улар жаҳолатга берилмаган, кимнидир гийбат қилиб, олтидан қиммат вақтини зое қилмаган. Ўзининг идрокини, азму қудратини илмга сарфлаган, билимини муттасил бойитган.

Янада муҳими, аждодла-

римизнинг маърифат бора-сида, таъбир жоиз бўлса, "илиги тўқ" бўлган. Зеро, улар бир эмас, иккита Ренессанс маърифатининг қаймоғидан баҳраманд бўлганлар.

"Ренессанс" ("renaitre") — французча сўз бўлиб, қайта юзага келмоқ, янгидан туғилмоқ, деган луғавий маъноларни англатади. Ўзбек тилидаги **"Уйғониш даври"** тушунчаси ушбу атаманинг синоними, яъни маънодоши ҳисобланади.

Ренессанснинг асосий аломатлари тафаккурда ва илму ижодда догматизм, жаҳолат ва мутаассибликни ёриб ўтиб, инсонни улуглаш, унинг истеъдоди, ақлий-фикрий имкониятларини юзага чиқариш, адабиёт ва санъатда дунёвий гўзаллик, ҳаёт тароналарини қизғин куйлаш, инсон эрки, ҳурфикрлилик учун курашиш мисолида ёрқин намоён бўлади. Натижада ижодий қудрат ва тафаккур кучини намоёйиш этадиган улугвор бадиий асарлар яратилади, мухташам меъморий иншоотлар бунёд этилади, илм-фан ривожланади.

Марказий Осиё минтақаси, хусусан, бугунги Ўзбекистон ҳудуди тарихда илм-фан, маданият ва санъатнинг қадимий бешиги сифатида мавжуд бўлиб келган. Бу ҳақда исломга қадар мавжуд манбаларда ҳам маълумотлар келтирилган. Жумладан, **"Авесто"**да ҳам маънавий муҳит, илм-фан ва таълим-тарбия хусусида ўз даври учун илғор ғоялар илгари сурилган.

Ўзбекистон ҳудудлари тарихан **Буюк ипак йўли**нинг маркази ва унинг турли тар-

моқлари кесишган нуқтада жойлашган. Шунинг учун Шарқ ва жаҳоннинг турли мамлакатларидан диний ва дунёвий билим олиш истагидаги инсонлар ҳаммиша Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Насаф (Қарши), Кеш (Шаҳрисабз), Тошкент, Фарғона каби кўҳна маданият марказларига интилганлар. Бу ҳудудларда қадимги замонлардан фаолият юритган билим масканлари — мадрасалар ўз даврининг олий таълим муассасалари, яъни университетлари мақомида бўлган, дейиш мумкин.

Биринчи Шарқ Уйғониш даври — IX-XII асрларда минтақамизда юз берган **"Мусулмон Ренессанси"** ҳисобланади. Бу даврда улуг алломалар, қомусий билим соҳиблари, машҳур мутафаккирлар етишиб чиқди. Аниқ фанлар соҳасида Муҳаммад Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Бакр Розий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний жаҳоншумул кашфиётлар қилдилар. Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Маҳмуд Замахшарийнинг фалсафий асарлари башарият тафаккур хазинасини бойитди.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, X асрнинг охирига келиб, Самарқандда 17 та мадраса фаолият юритган. Бу мадрасаларда ислом таълимоти билан бирга дунёвий фанлар ҳам ўқитилган. Ҳатто ўз даврида нафақат шоир, балки файласуф ва фалакиётшунос сифатида дунё миқёсида танилган **Умар Хайём** ҳам Самарқандда таҳсил олган.

Иккинчи Шарқ Уйғониш даври — XIV-XVI асрлардаги иккинчи **"Темурийлар**

Ренессанси" дир. Бунда Амир Темур бунёд этган улуг салтанатнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Чунки буюк Соҳибқирон дунёнинг турли минтақаларидан олим адиблар ва меъмор хунармандларни ўз салтанати пойтахти Самарқанд шаҳрида жамлаган. Илму маърифат ва касб-хунар соҳибларини рағбатлантирган, бой кутубхона, расадхона ва мадрасалар бунёд эттирган.

Жумладан, **Мирзо Улугбек** мадрасасида (риёзиёт) математика, (илму нужум) астрономия, физика, кимё, геодезия, фармакология, тиббиёт, тарих, фалсафа, адабиёт каби ижтимоий-гуманитар, аниқ ва табиий фанларнинг ўқитилиши **иккинчи "Шарқ Ренессанси"**нинг вужудга келишига тўртки бўлган. Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Али Қушчи сингари кўплаб мутафаккирларимизнинг боқий номи ва бой мероси нафақат минтақамизнинг маънавий ривожига, айтиш мумкин, жаҳон цивилизацияси тарихида муҳим ўрин тутди.

Шарқнинг бутун инсоният тарихидаги ноёб ҳодиса бўлган ҳар икки Ренессанси ана шу буюк аждодларимизнинг илм-маърифат, диний бағрикенглик ва инсонпарварлик борасидаги эзгу ғоялари билан йўғрилган эди. Бу ғоялар бизнинг давримизда, Ўзбекистон мустақиллиги йилларида алоҳида, янада теран маъно-мазмун касб этиб бормоқда.

"Нур — Шарқдан таралади", деган эди немис файласуфи **Георг Гегель**. Бинобарин, Шарқ Уйғониш даври ютуқлари Фарбий Европада юз берган алоҳида

маданий ва тафаккурий та-
раққиёт даври, хусусан, XIV-
XVI асрлардаги **Италия Ре-
нессансига** бевосита таъсир
кўрсатган.

Айниқса, туташ чегара
мамлакатлари: Курдоба (Ис-
пания), Кавказ, Болқон ярим
оролида бу жараён кучли
бўлган. Европаликлар Шарқ
олимларининг асарларини
лотин, испан, яхудий тилла-
рига қилинган таржималар
орқали ёхуд бевосита араб
тилида ўқиб-ўрганганлар.

Шарқнинг икки Ренес-
санси, яъни илмий-маъри-
фий Уйғониш даврига асос
солган улуғ аждодларимиз
томонидан яратилган ва
ҳозирги кунда ҳам маъри-
фатли дунёни ҳайратга со-
либ келаётган илмий ме-
росни ўрганиш, илмий-тад-
қиқот ишлари олиб бориш,
улар яратган илмий йўна-
лишлар ва мактаблар анъа-
наларини давом эттириш бу-
гунги авлод олдида турган
долзарб вазифалар сираси-
га киради.

Бугунги кунда биз учин-
чи Уйғониш даври остона-
сида турибмиз. Агар Ўзбе-
кистон Президентининг ке-
йинги тўрт йилда маърифат,
таълим ва илм-фанни ри-
вожлантириш йўлида имзо-
лаган қонун, фармон ва қа-
рорлари, тасдиқлаган Дав-
лат дастурлари, илгари сур-
ган янгидан-янги ташаббус-
ларининг мағзини тўла ча-
қиб кўрсак, **навбатдаги
Маърифат Ренессанси-
нинг маркази Ўзбекистон
эканига ҳеч кимда шубҳа
қолмайди.**

Бу, ўз навбатида, ҳар би-
римизга, бир томондан, чек-
сиз фахру ифтихор бағиш-
ласа, иккинчи томондан,
катта масъулият юклайди.

Тарихий ҳақиқат шуки, би-
рон-бир мамлакатнинг дунё
цивилизациясига ҳисса қўш-
ган олимлари сони Ўзбе-
кистон замида етишиб чиқ-
қан олимлар каби кўп эмас.
Буни гапиришга, бундан
фахрланишга бизнинг маъ-
навий ҳаққимиз бор.

Иқтисодчиларнинг ҳисоб-
китобларига қараганда, бу-
гунги кунда **дунё миқёси-
даги жами бойликнинг 16
фоизи — ишлаб чиқариш
воситалари, 20 фоизи —
табiiй ресурслар ҳисса-
сига тўғри келар экан. Ин-
соният эга бўлган барча
бойликнинг қолган 64 фо-
изи, яъни учдан икки
қисми эса, бевосита ин-
сон салоҳияти, унинг би-
лими ва тажрибаси эвази-
га орттирилган.**

Шу маънода, барча соҳа-
ларда илғор тараққиёт йўли-
дан бораётган ва юксак мар-
раларни забт этаётган юр-
тимиз учун билимли ва таж-
рибали, ҳар томонлама етук
кадрлар керак. Давлатимиз
раҳбари томонидан сўнгги
йилларда қатор фармон ва
қарорлар қабул қилиниб, бу-
нинг учун мустақам замин
яратилди. Мактабгача таъ-
лим, умумтаълим ва олий
таълим тизими мазмунан ва
сифат жиҳатидан янгиланиб
бормоқда.

Шу тариқа бугунги кунда
мамлакатимизни инноваци-
он ривожлантириш, **2030
йилга қадар Глобал инно-
вация индексида илғор 50
мамлакат қаторидан жой
эгаллаш бўйича кенг кў-
ламли ишлар амалга оши-
рилмоқда. Мамлакатимиз
раҳбари таъбири билан
айтганда, "Ўзбекистон
илм-фан, интеллектуал
салоҳият соҳасида, замо-**

**навий кадрлар, юксак тех-
нологиялар борасида дунё
миқёсида рақобатбардош
бўлиши шарт".**

Президентимиз томонидан
2017 йил 20 апрелда "Олий
таълим тизимини янада ри-
вожлантириш чора-тадбир-
лари тўғрисида"ги қарор
қабул қилинди. Шу ва кейин-
чалик қабул қилинган бош-
қа муҳим ҳуқуқий ҳужжат-
ларда олий таълим тизими-
ни тубдан такомиллаштириш
масаласига жиддий аҳами-
ят берилди.

Бунда мамлакатни ижти-
мой-иқтисодий ривожланти-
ришнинг устувор вазифала-
ридан келиб чиққан ҳолда,
кадрлар тайёрлаш мазмуни-
ни тубдан қайта кўриш, ха-
лқаро стандартлар даража-
сига мос олий маълумотли
мутахассислар тайёрлаш
учун зарур шароитлар яра-
тилишини таъминлаш асо-
сий мақсад этиб белгилан-
ди.

Натижада **сўнгги тўрт
йилда мамлакатимизда 43
та янги олий таълим му-
ассасаси ташкил этилиб,
уларнинг сони 121 тага
етди.** Жорий йилда олий
ўқув юр்தларига кириш учун
бир ярим миллионга яқин
ёшларимиз ҳужжат топшир-
ди. Бу рақам ўтган йилга
нисбатан 40 фоиз кўп демак-
дир.

Ёш авлод тарбиясида ҳал
қилувчи ўрин тутадиган боғ-
чалар ва мактаблар тизими-
да ҳам улкан ўзгаришлар
амалга оширилмоқда. Пре-
зидент мактаблари, ихтисос-
лашган ва ижод мактабла-
ри барпо этиш, **"Замонавий
мактаб" дастури**ни жорий
этиш борасидаги ишлар уз-
луксиз давом эттирилмоқда.
Жорий ўқув йилидан мактаб-

ларда **"Тарбия"** фанидан дарс ўтилади.

Мактаб — бу ҳаёт-мамомт масаласи, келажак масаласи, дейди мамлакатимиз раҳбари. Бу масалани давлат, ҳукумат ва ҳокимларнинг ўзи ҳал қилолмайди. Бу бутун жамиятнинг иши, бурчига айланиши керак. Мактабни ўзгартирмасдан туриб, одамни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди.

Атоқли француз адиби Виктор Гюгонинг: **"Мактаб очган одам бамисоли камоқхонани ёпгандек гап"**, деган ҳикматли ибораси бунга яққол мисолдир. Яъни, мактаб, таълим, тарбия бор жойда болалар ёмон йўлга кирмайди, жиноят содир этмайди. Демак, камоқхоналарга зарурият қолмайди.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда 11 йиллик мактаб таълими тиклангани алоҳида диққатга лойиқ. Энг асосийси, юртимизда **"мактабгача таълим — мактаб таълими — олий таълим"** силсиласи тимсолида миллий таълимнинг узлуксиз тизими яратилди.

Кейинги тўрт йилда Президентимиз ташаббуси билан Наманганда — Исҳоқхон Ибрат, Жиззахда — Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним, Қаршида — Абдулла Орипов, Маргилонда — Эркин Воҳидов, Нукусда — Ибройим Юсупов, Андижонда — Муҳаммад Юсуф, Гулистонда — Ҳалима Худойбердиевнинг махсус ижод мактабларига асос солинди. Ўз навбатида, иқтидорли болалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Айниқса, мамлакатимизда

ташқил этилган **Президент мактаблари** янги авлод кадрларини тарбиялашда муҳим асос бўлиши шубҳасиз. Чунки бу ўқув масканлари иқтидорли болаларни аниқлаш, илғор технологияларни қўллаган ҳолда, уларга сабоқ бериш ва тарбиялаш бўйича яхлит тизимга айланди. Таълим жараёни ривожланган давлатлар тажрибаси асосида ишлаб чиқилган ўқув режалари ва дастурлари бўйича инглиз тилида олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда 2020 йил — илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилинган. Юртимизда аввалдан шаклланган илмий мактаблар салоҳиятини ҳисобга олиб, ҳозирги босқичдаги миллий манфаатларимиз ва тараққиётимиз йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, бу йил математика, кимё, биология, геология фан ва соҳаларини ривожлантириш танлаб олинган.

Бу бежиз эмас. Чунки Ўзбекистоннинг математика фани бўйича салоҳияти дунё миқёсида тан олинган. Қолаверса, функционал таҳлил ва дифференциал тенгламалар, эҳтимоллар назарияси ва алгебра йўналишлари бўйича нуфузли мактабларимиз шаклланган бўлиб, айни пайтда самарали фаолият юритмоқда. **Етти нафар математик олимимиз Бутунжаҳон фанлар академияси аъзоси ҳисобланади.**


Кўплаб хорижий илм-фан марказлари, хусусан, Бонн, Кембриж, Париж, Сеул каби йирик шаҳарлардаги етакчи илм даргоҳлари билан биргаликда қўшма илмий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2019 йил 9 июлдаги математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришга оид қарорининг ижроси доирасида пойтахтимиздаги Талабалар шаҳарчасида Фанлар академиясининг Математика институти учун замонавий талаблар асосида янги бино барпо этилмоқда.

Ана шундай янги турдаги, энг замонавий таълим муассасаларида таҳсил оладиган **ёшларимиз, Президентимиз таъбири билан айтганда, Ўзбекистоннинг "олтин фонди" ҳисобланади.** Бу, ўз навбатида, ёшларимиз орасидан Хоразмийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар чиқишига барча асосларимиз борлигидан, демакки, Ўзбекистонда том маънода янги Уйғониш даврининг пойдевори қўйилганидан далолат беради.

Энг асосийси, фарзандларимизнинг истеъдод ва қобилияти, эзгу интилишларини тўлиқ рўёбга чиқариш, ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун барча имкониятларни яратиш бериш бундан буён ҳам Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг бош мақсади бўлиб қолади.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **"Халқимизнинг улугвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади. Чунки Бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас"**.



Гендер тенглик

судьялар орасида ҳам таъминланиши чоралари кўрилмоқда

Сўнги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини изчил ислоҳ этиш орқали кўплаб амалий натижаларга эришилди. Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар, парламентга тақдим этилган Мурожаатномалар ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси бугунги кунда Ўзбекистонда одил судлов жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражаси янги босқичга чиқишида асосий дастуриламал бўлди.

Робахон МАҲМУДОВА,

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди
раисининг биринчи ўринбосари*

Жорий йил 30 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу борада эришилган ютуқлар таҳлил қилиниб, суд-ҳуқуқ соҳасида мавжуд айрим камчиликлар очиқ-ошкора кўрсатиб ўтилди.

Шу билан бирга, соҳада амалга оширилиши зарур бўлган ислохотларнинг устувор йўналишлари атрофлича муҳокама қилинди. Президентимиз томонидан судьялар орасида гендер тенгликни таъминловчи механизмларни жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Судьялар олий кенгашига аниқ вазифа берилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Гендер тенглик, яъни эркаклар ва хотин-қизлар тенглиги — инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Сўнги тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бу омил энг юқори даражадаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тараққиётнинг ҳам негизидир.

Мутахассисларнинг фикрича, фақат эркаклардан иборат жамоага нисбатан 50/50 фоиз эркак ва аёллардан иборат меҳ-

нат жамоалари, айниқса, агар улар ақлий меҳнат билан банд бўлса, бир неча баробар юқори натижа кўрсатар экан.

Қолаверса, гендер тенглик — бу мамлакатнинг демократик тараққиёт даражасини кўрсатувчи индикатор. Гендер тенглик — бу нафақат инсоннинг асосий ҳуқуқларининг ифодаси, балки тинчлик, фаровонлик ва барқарор ривожланишга эришишнинг зарур асоси ҳамдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ролини ошириш, аёлларни турли масъулиятли лавозимларга тайинлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада аёлларимиз депутат, сенатор, ҳоким, элчи, прокурор, судья, солиқчи каби фахрли лавозимларда меҳнат қилмоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда турли даражадаги давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида, шу жумладан, вазирлик ва идораларда, маҳаллий ижроия ҳокимияти органларида 1 минг 500 нафардан ортиқ хотин-қиз раҳбарлик лавозимларида фаолият юритмоқда. Давлат бошқарувида хотин-қизлар иштирокини ошириш мақсадида, 6 мингдан зиёд фаол хотин-қизлардан иборат кадрлар захираси шакллантирилди.

Ҳозирги вақтда уларни турли раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш бўйича тизимли ўқувлар ташкил этилмоқда. Ички



ишлар вазирлиги тизимида 16 нафар аёл раҳбарлик ишига тайинланган бўлса, яна 6 нафар аёл ҳокимлик лавозимини эгаллади.

Турли даражадаги давлат мукофоти совриндорлари бўлган хотин-қизлар сони 2 минг 224 нафарга етди. Бугунги кунга қадар 577 нафар аёл "Мўътабар аёл" кўрак нишони билан тақдирланган.

Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда хотин-қизлар сони Бирлашган миллатлар ташкилоти томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти хотин-қизлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди.

Юртимизда тадбиркор ва фермер хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш борасида кўшимча кафолатлар берилди. Катта компаниялар ва нодавлат ташкилотлар ходимларининг умумий сонидаги хотин-қизлар улушида гендер тенглик деярли тўлиқ таъминланган. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг 20 фоиздан ортиғига хотин-қизлар раҳбарлик қилмоқда.

БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида, мамлакатимизда "Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган даврда

Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалари" қабул қилинган. Ушбу соҳадаги 5-мақсад — гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришдан иборатдир.

Бу, ўз навбатида, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа чораларни қамраб олади. Мазкур вазифаларни бажариш учун барча давлат органлари ва ташкилотлари, муассасалари, шунингдек, давлат аҳамиятидаги жамоат ташкилотлари масъулдирлар.

Шу билан бирга, хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини кенгайтириш, ижтимоий-иқтисодий, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эътиборни кучайтириш талаб этилади. Жумладан, хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг даражада давлат ва жамият бошқарувига оид долзарб масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишда иштирокини кенгайтиришни таъминлаш лозим.

Зеро, улар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир ишларга етарли даражада жалб этилмаяпти. Давлат органлари ва ташкилотларида хотин-қизлар ва эркаклар ишининг сифатини баҳолаш, лавозимда кўтарилиш масалалари бўйича тенг имкониятларни яратишга қаратилган гендер тенгликни таъминлаш ме-

зонлари мавжуд эмас.

Хотин-қизларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувидаги фаолияти тўғрисида жамиятда мавжуд айрим салбий қарашлар эса, уларнинг сиёсий жараёнларда ўз ғояларини илгари суришига тўсқинлик қилмоқда.

БМТнинг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян 2019 йил Ўзбекистонга ташрифи асносида мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш юзасидан қабул қилинган қонун ва ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларга ижобий баҳо берган. Шу билан бирга, у Ўзбекистонда аёллар судьяликка кўпроқ жалб этилса, бу борада бошланган ижобий ислохотлар янада кўпроқ натижа беришини таъкидлаганди.

Ҳақиқатан ҳам, юртимизнинг яқин тарихида Ўзбекистоннинг суд-ҳуқуқ соҳасида ҳуқуқшунос аёллар алоҳида ўрин тутгани билан боғлиқ воқелик БМТ Махсус маърузачисининг бу фикрини тасдиқлайди. Хусусан, узоқ йиллар мобайнида Ўзбекистон Олий суди раиси бўлган, Марказий Осиёда жиноят ҳуқуқи фани асосчиси, юриспруденция бўйича илмий мақом олган биринчи ўзбек аёли — академик Хадича Сулаймонова, Ўзбекистон Адлия вазирлиги бўлган ҳуқуқшунос олима, профессор Мамлакат Восиқова, Ўзбекистон Олий суди раиси бўлган профессор Ҳалима Муҳитдинова ва бошқа ҳуқуқшунос аёлларимиз Ўзбекистонда ҳуқуқшунослик нуфузини оширишга катта ҳисса қўшган.

Таҳлилларга кўра, ҳозирги кунда мамлакатимизда жами ишлаб турган 1 минг 206 нафар судьядан 1 минг 50 нафари эркаклар бўлиб, аёл судьялар атиги 156 нафар, яъни 12,9 фоизни ташкил қилади. Шундан:

- фуқаролик ишлари бўйича судларда — 88 нафар;
- жиноят ишлари бўйича судларда — 27 нафар;
- иқтисодий ишлар бўйича судларда — 23 нафар;
- маъмурий ишлар бўйича судларда эса, 8 нафар аёл судьялар ишлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида фаолият олиб бораётган жами 62 нафар судьядан 15 нафари аёл судьялардир. Бу

рақам 24,2 фоизни ташкил этади.

Хорижий мамлакатларда ушбу кўрсаткичлар нисбатан юқори эканини таъкидлаш лозим. Хусусан, БМТ Европа иқтисодий комиссияси маълумотларига кўра, қуйидаги мамлакатлар аёл судьялар сони бўйича энг юқори кўрсаткичларга эга:

- Латвия — суд тизимида ишловчи барча судьяларнинг 78,6 фоизи аёл судьялардан иборат;
- Словенияда бу кўрсаткич — 78,4 фоизга тенг;
- Руминия — 72,8 фоиз;
- Хорватия — 70,6 фоиз;
- Сербия — 70,5 фоиз;

Ўз навбатида, бу соҳада энг паст кўрсаткичларга эга мамлакатлар ҳам аниқланган. Буюк Британия суд тизимида ишловчи барча судьяларнинг 28,4 фоизи аёл судьялардан иборат бўлса, бу кўрсаткич Арманистонда — 26,1 фоизни, Канадада — 23,5 фоизни, Лихтенштейнда — 23,1 фоизни, Озарбайжонда эса, 11,9 фоизни ташкил этади.

Турли давлатлар амалиётида мазкур кўрсаткичнинг бир-биридан кескин фарқ қилиши, шубҳасиз, ушбу мамлакатларнинг ўзига хос тарихи, миллий менталитети, урф-одатлари, ривожланиш босқичи каби кўплаб омилларга боғлиқ, албатта.

Хорижий давлатлар суд-ҳуқуқ соҳасида гендер тенгликни таъминлаш учун турли чора-тадбирларни амалга оширган. Мисол учун Бельгия, Италия, Ироқ, Иордания каби мамлакатларда судьялик лавозимига аёл номзодлар учун алоҳида гендерлик квоталари ажратилган.

Лекин Буюк Британия, Испания ва Франция давлатлари бундай гендерлик квоталарини жорий этишга қарши чиққан. Бунинг ўрнига улар олий юридик таълимга аёлларни кўпроқ жалб этиш, аёл судьялар учун турли шарт-шароитлар яратиш орқали гендер тенгликни таъминлаш маъқул деган хулосага келган.

Россия суд тизимида фаолият олиб борувчи судьяларнинг 66 фоизини аёл судьялар ташкил этади. Мутахассислар фикрича, бундай ҳолатнинг асосий сабаби — судьяликка номзодлар асосан суд аппаратида меҳнат фаолияти олиб борган судья ёрдамчилари ва котибларидан шаклланиши деб кўрсатилади. Чунки йиллар

давомида судлар аппаратида ишлаган ушбу ходимлар суд тизими ва ҳужжатлар билан ишлаш жараёнини яхши билиб олишади.

Гап шундаки, Россияда судьяларнинг ёрдамчилари ва котиблари лавозимларида асосан аёллар ишлайди. Ушбу лавозимлардаги ходимларга кам ҳақ тўланади, иш ҳажми эса, кўп. Шу сабабли, оиланинг асосий боқувчиси ҳисобланган эркаклар ушбу лавозимларга интилмайдилар.

Хорижий мамлакатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш яна шуни кўрсатдики, кўплаб давлатлар суд тизимида аёл судьяларга гендер квоталари жорий этилишини қўллаб-қувватламайди. Бунинг асосий сабаби юриспруденция соҳасида аёл кадрларнинг етишмаслиги билан изоҳланади.

Шунга қарамай, бир қатор давлатлар судьяларни танлаш ва тайинлаш бўйича масъул органлар аъзоларини танлаш учун гендер квоталари тизимини жорий этишни маъқуллаган.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши шундай орган ҳисобланади. Судьялар олий кенгаши таркибида, жорий йил 1 январь ҳолатига кўра, 12 нафар эркак ва атиги 1 нафар аёл судья фаолият кўрсатмоқда.

Гендер тенгликни таъминлаш бўйича яна бир чора бу — судьяликка номзодларни тайёрлайдиган таълим муассасасига тингловчиларни қабул қилишда гендер тенгликни таъминловчи механизмларни жорий этишдир. Юртимизда бундай муассаса Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабидир.

2021 йил 1 январидан бошлаб, судьялик лавозимига номзодлар фақат ушбу мактаб тингловчилари орасидан тавсия этилиши кўзда тутилган. Бундай муҳим чоралар, албатта, мамлакат суд тизимида аёллар сонини оширишга сезиларли даражада таъсир кўрсатиши мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг суд-ҳуқуқ соҳасида гендер тенгликни таъминлаш бўйича механизмларни жорий этиш борасида берган топшириқларини бажариш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг Гендер кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Судьялар олий кенгаши томонидан ало-

ҳида дастур қабул қилинди. Дастур мамлакатимизда аёлларнинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги мавқеини ошириш, хусусан, аёл судьяларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Дастурда бу борада, жумладан, қуйидаги вазифалар белгиланган:

- суд тизимида гендер тенглик таъминланганлиги ҳолатини доимий мониторинг қилиб бориш;

- жойларда ҳуқуқшунос аёлларда судьялик касбига қизиқиш уйғотиш бўйича дара суҳбатлари ўтказиш;

- олий юридик маълумотга эга хотин-қизларни суд органларига кенг жалб қилиш;

- муқаддам судья бўлиб ишлаган аёлларнинг ҳужжатларини ўрганиб, мақсадга мувофиқ деб топилган номзодларни судьялик лавозимларига тавсия этиш;

- Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодексига гендер масаласига оид қоидаларни белгилаш;

- судларда иш ҳажмини камайтириш ва судьялар ўртасида иш ҳажмини адолатли тақсимлаш чораларини кўриш;

- аёл судьялар учун қулай меҳнат шaroити яратиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш. Бу ўринда, жумладан, ёш боласи бор аёл судьяларга енгиллаштирилган меҳнат шaroитлари, узайтирилган дам олиш вақти, қисқартирилган иш вақти белгилаш, аёллар учун қатъий бўлмаган иш вақтини белгилаш, тиббий таъминотини кучайтириш каби имтиёзлар назарда тутилган;

- суд тизимида фаолият кўрсатаётган хотин-қизларга нисбатан иш жойларида тазйиқ ўтказиш ҳолатларининг олдини олиш ва хотин-қизлар билан ўзаро муносабат маданиятини юксалтириш бўйича профилактика тадбирларини ўтказиб бориш.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида гендер тенгликка эришиш, ўз навбатида, хотин-қизларимизнинг қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлайди. Шу билан бир қаторда, бу йўналишдаги муҳим қадамлар соҳани жаҳон стандартларига мослаштириш, коррупция ҳолатларининг олдини олиш, адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Сўнги уч йил мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалда таъминлашга қаратилган шиддатли ислоҳотлар даври бўлди. Президентимиз таъбири билан айтганда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлаш, ҳар бир шахснинг қадр-қимматини эъзозлаш биз барпо этаётган очиқ, эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусиятидир.

Судлар фаолияти давр талаблари ва халқаро стандартлар асосида такомиллашади

бунда Президентимиз Фармони муҳим дастуриламалдир

Янги Ўзбекистон давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига, янги жамиятнинг стратегик мақсадига айланган бу муҳим вазифани амалга оширишда суд органлари ниҳоятда муҳим ўрин тутуди. Шу боис, жамият ҳаётида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, судьяларнинг обрў-этиборини юксалтириш, улар фаолиятига аралашини қатъий тақиқлаш билан боғлиқ кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, 10 дан ортиқ қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 га яқин фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Лекин одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ баъзи бир муаммо ва тўсиқларнинг борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 30 июнь куни одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида ушбу муаммоларни атрофлича таҳлил қилиб, бир қатор амалий таклиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июль куни қабул қилинган **"Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва**

одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони айнан суд амалиётидаги мана шундай камчиликларга барҳам берилишига ҳуқуқий асос бўлади.

Куйида эътиборингизга тақдим этилаётган давра суҳбатида ушбу фармоннинг мазмун-моҳияти, унда белги-ланган муҳим вазифалар тўғрисида мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.



Ботир МАТМУРОДОВ,

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси, юридик фанлар номзоди:

СУД ИШЛАРИНИ НАЗОРАТ ТАРТИБИДА КЎРИШ ИНСТИТУТИ ТУГАТИЛАДИ

— Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида"ги Фармонга парламент юқори палатасининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг асосий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда фикр-мулоҳазаларимни билдириб ўтмоқчиман. Қўмита бевосита одил судловнинг сифати ва шаффофлигини янада ошириш бўйича таҳлиллар олиб бориш ва таклифлар тайёрлаш, шунингдек, суд тизимини изчил демократлаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга қатъий риоя этилишини таъминлаш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини оширишга кўмаклашиш нуқтаи назаридан фаолият юритади.

Мазкур Фармонда белги-ланган вазифаларнинг ижроси, биринчи навбатда, одил судловнинг сифати ва шаффофлигини янада оширишга, суд тизимини изчил демократлаштиришга, суд ҳокимиятининг мустақиллигини амалда таъминлашга хизмат қилади.

Фармонда назарда тутилган ҳолис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъмин-

лаш механизмларини кенгайтириш мақсадида, суд тизимида ташкилий-тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилиши ниҳоятда ўринли.

Олий Мажлис Сенатига, жумладан, қўмитамизга жуда кўплаб жисмоний ёки юридик шахслар мурожаат қилиб, низолашаётган масала қайси судга тааллуқли экани борасидаги муаммолардан қийналаётгани, натижада у суд идораси билан бу суд идораси ўртасида сарсон бўлаётганидан шикоят қилишади.

Эндиликда суд тизимида амалга ошириладиган таркибий ўзгартиришлар амалиётдаги айни шу муаммога ечим бўлади. Мен фармоннинг биргина жиҳатига қисман тўхталдим. Ваҳоланки, ушбу Фармонда суд тизимини бугунги замон талабларига мослаштириш учун ўндан ортиқ устувор вазифалар белгилаб берилган.

Айниқса, Фармонда **"суд ишларини назорат тартибида кўриш институтини тугатиш"** масаласининг белгилангани алоҳида диққатга сазовор. Чунки суд ишларининг қайта-қайта бир нечта инстанцияларда назорат тартибида кўрилиши фуқароларнинг ортиқча овора бўлишига, судларда иш ҳажмининг асоссиз ва мақсадсиз ортишига, қолаверса, коррупция билан боғлиқ ҳолатларнинг вужудга келишига сабаб бўлади.

Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси бу масалани чуқур ўрганиб чиққан эди. Шунинг учун қонунчиликка киритилиши назарда тутилаётган ушбу ўзгаришларни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Мухтасар айтганда, Фармон фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд органлари орқали ишончли

ҳимоя қилишни таъминлашга амалий таъсир кўрсатади.



Иззатилла ТОЛИБОВ,
Судьялар олий мактаби етакчи мутахассиси, юридик фанлар номзоди:

БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР СУД АМАЛИЁТИ ЧУҚУР ТАҲЛИЛЛАРИ НАТИЖАСИДИР

— Мухтарам Президентимиз томонидан имзоланган мазкур Фармон Янги Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг том маънодаги мустақиллиги ва холислигига эришиш, уни ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасида ўзини оқлаган халқаро стандартларга мослаштиришда амалий аҳамият касб этади.

Шу мақсадда жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида иш юзасидан қарорларни тортишув тамойилига риоя этган ҳолда **тарафлар иштирокида қабул қилиш тартибини белгилаш**, жиноят ишининг умумий тартибда кўриб чиқилишига тўсқинлик қилувчи омилларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этиш имконини берувчи **дастлабки эшитув босқичини киритиш** назарда тутилмоқда. Бу тартиб суд амалиётига нима беради, деган табиий савол туғилади. Ушбу институт миллий амалиётда ҳам хорижий тажрибада ҳам, суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолияти устидан суд назоратини амал-

га оширишда ўта муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Гап шундаки, суд процессида энг муҳим аҳамият касб этадиган институтлардан бири бу — тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш масаласидир. Шубҳасиз, бу институтнинг амалда таъминланиши адолатли қарор чиқаришга асос бўлади. Демак, эндиликда жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида ҳам ўша иш юзасидан қарорларни тортишув тамойилига риоя этган ҳолда, энг муҳими, **тарафлар иштирокида қабул қилиш тартиби белгиланади.** Ўз навбатида, бу суд ишини кўраётган судьяга алоҳида масъулият юклайди.

Мазкур Фармоннинг ўзига хос муҳим жиҳатларидан бири шундаки, унда белгиланган вазифалар бугунги кундаги суд амалиёти чуқур таҳлилидан келиб чиққан ҳолда қўйилган.



Азиз ОБИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди матбуот хизмати раҳбари:

СУД ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЯНАДА ШАФФОФЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИАТИ ВУЖУДГА КЕЛАДИ

— Мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири — сўз эркинлигини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жамият ҳаётидаги муаммоли

масалаларни ҳал этишда оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 июль куни қабул қилинган "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида **Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармасининг, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида эса, матбуот хизматларининг** ташкил этилиши бугунги куннинг энг долзарб талаби бўлган суд органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтдаги амалиётдан келиб чиққан ҳолда айтиш керакки, **Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармасига ҳам, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасидаги матбуот хизматларига** ҳам жуда катта эҳтиёж бор эди. Сабabi, ҳозирги жуда шиддатли ахборот алмашинуви даврида деярли ҳар куни ёки ҳар соатда медиа маконда юзага келаётган турли хил фикр-мулоҳазаларга тезкорлик билан муносабат билдиришни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Айниқса, сўнгги пайтларда оммавий ахборот воситаларида, Интернет сайтларида ёки ижтимоий тармоқларда суд ҳокимияти ва судьялар фаолияти билан боғлиқ турфа фикр-мулоҳазалар тарқатилмоқда. Аслида, бунинг табиий жараён сифатида қабул қилишимиз ке-

рак. Очiq, эркин фуқаролик жамиятида худди шундай анъана такрорланиб туради.

Лекин ҳар бир давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи ўз фаолиятига нисбатан айтилаётган фикр-мулоҳазаларга муносабат билдириб туриши керак. Бунда **Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси ёки матбуот хизматлари** ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу янги ташкил этилиши назарда тутилаётган тузилмаларнинг олдида жуда катта масъулиятли вазифалар турганидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасидаги **Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси ҳамда вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тизимидаги матбуот хизматлари** ўз фаолиятига масъулият билан ёндашиб, суд тизими ва судьялар фаолиятининг ёритилишидаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиши керак.

Бунинг учун улар оммавий ахборот воситалари, айниқса, медиамаконда ўзининг тезкорлиги ва қулайлиги билан нуфузи ортиб бораётган электрон ОАВ, жумладан, Интернет сайтлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйиш талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, янги тузилмалар суд ҳокимияти ва жамият ўртасидаги сифатли мулоқотни йўлга қўйиши, кенг жамоатчиликка суд тизимидаги ислохотларнинг мақсади, вазифалари ва натижалари ҳақида тезкор, холис ва тўлиқ ахборот етказиб бериши шарт.



Худоёр МАМАТОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор:
**ОЛИЙ СУД ТИЗИМИДА
ИНВЕСТИЦИЯВИЙ
ТАРКИБ ТАШКИЛ
ЭТИЛАДИ**

— Маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти бевосита инвестициялар билан чамбарчас боғлиқ. Айниқса, бугунгидай пандемия шароитида бу ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этади. Янги Ўзбекистон давлат сиёсатининг ўзига хос жиҳатларидан бири ҳам инвестициявий жозибардорликни оширишдан иборат.

Шу боис давлатимиз раҳбари инвесторларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш муҳим аҳамиятга эгаллигини кўп таъкидлайди. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш керакки, бугунги кунда инвесторлар билан боғлиқ низоларни судларда кўришнинг алоҳида тизимини яратиш замон талабига айланди. Президентимиз таъбири билан айтганда, сармоя кири таётган инвестор, биринчи навбатда, ўз ҳуқуқлари суд орқали кафолатли ҳимоя қилинишига эътибор беради.

Шунинг учун ушбу Фармонда Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида **йирик инвесторлар** иштирокидаги инвестициявий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш бўйича алоҳида судлов таркиби — инвестициявий таркиб тузилиши белгиланиб, унинг зиммасига 20 миллион АҚШ долларидан ортиқ инвестиция киритган йирик инвесторлар-

нинг ва давлат органлари ўр-тасидаги инвестициявий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш вази-фаси юклатилди.

Фармонга мувофиқ, йирик инвесторлар, ўз хоҳишига кўра, бевосита инвестициявий таркибга ёки умумий тартиб-да бошқа қуйи тизим судла-рига мурожаат қилиш, бошқа инвесторлар эса, ўз хоҳиши-га кўра, бевосита Қорақалпо-ғистон Республикаси, вилоят-лар ва Тошкент шаҳар суди-га ёки умумий тартибда бош-қа қуйи тизим судларига му-рожаат қилиш имкониятига эга бўлади.

Олий суд тизимида инвес-тициявий таркибнинг ташкил этилиши инвесторлар ўрта-сидаги низоларнинг бир суд даражасида қисқа муддатда ҳал қилиш имконини беради ҳамда инвесторларнинг тур-ли суд инстанцияларида сар-сон бўлмасликларини кафо-латлайди.



Сардорбек СОДИҚОВ,
жиноят ишлар бўйича
Тошкент шаҳар судининг
судьяси:

СУДНИНГ АДОЛАТ УЙИГА АЙЛАНИШИГА МУСТАҲКАМ ЗАМИН ЯРАТИЛМОҚДА

— Дарҳақиқат, кейинги йилларда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини амалда таъминлаш, судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигига эришиш, одил судлов сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган ислохотларнинг янги даври бошланди.

Яқинда давлатимиз раҳба-ри томонидан имзоланган "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон мана шу демократик ислохотларнинг мантиқий да-воми бўлди.

Фармонда таъкидлангани-дек, бугунги кундаги суд амалиёти суд ҳимоясини таъ-минлашдаги ортикча бюрок-ратик тўсиқлар сақланиб қолаётганлиги, суд қарорла-рини қайта кўришнинг бир-бирини такрорловчи бос-қичлари мавжудлиги, инвес-торлар ҳуқуқларининг суд ҳимоясида бўлиши етарли даражада ташкил этилмаган-лиги ва бошқа бир қатор кам-чиликлар суд органларининг амалдаги тузилишини, замон талаблари ва халқаро стан-дартларга мувофиқ, қайта кў-риб чиқишни тақозо этмоқда.

Шунинг учун Фармонда ту-манлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят ва унга тенглаштирил-ган судлар томонидан, вилоят ва унга тенглаштирилган суд-ларнинг биринчи инстанция суди сифатида чиқарган қарорларини эса **Ўзбекистон Республикаси Олий су-дининг судлов ҳайъатлари томонидан апелляция тар-тибида қайта кўриб чиқиш;** апелляция тартибида кўриб чиқилган суд қарорларини **Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан кас-сация тартибида қайта кўриб чиқиш;**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатла-ри томонидан кассация тар-тибида кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган суд қа-рорларини Ўзбекистон Рес-публикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва уларнинг ўринбосарлари протести-га кўра, кассация тартибида

такроран кўриб чиқиш; дав-лат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда, реби-литация асосларига кўра, жи-ноят ишини тугатиш;

прокурор томонидан суд-нинг қонуний кучга кирган ҳукми, ҳал қилув қарори, аж-рими ёки қарори бўйича иш-ларни, ушбу ишлар юзасидан тарафлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина, суддан ча-қириб олиб ўрганиш;

қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари судлар-да бошқа шахсларнинг та-шаббуси билан кўзғатилган фуқаролик ва иқтисодий иш-ларнинг кўрилишида проку-рор ўз ташаббуси билан иш-тирок этишини истисно этиш сингари бир қатор муҳим тартиблар киритилиши бел-гиланмоқда. Фармонда бел-гиланган вазифаларнинг иж-роси суднинг адолат уйига айланишига мустаҳкам замин яратади.



**Умиджон
РАСУЛБЕРДИЕВ,**
Хоразм вилояти
маъмурий судининг раиси:

СУД ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ОРТИҚЧА БЮРОКРАТИК ТЎСИҚЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

— Мазкур Фармон суд-ҳуқуқ соҳасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражаси-ни юксалтириш, ишларни судда кўриш сифатини оши-риш ҳамда холис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафлар-нинг тенглиги ва тортишув-

чанлигини амалда таъминлаш механизмларини янада кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Бугунги кунда ҳар бир вилоят судида 4 нафардан 15 нафаргача судья фаолият юритаётган бўлса, янги ташкил этилаётган умумюрисдикция судларида келгусида 19 нафардан 47 нафаргача судья ишлайди.

Хозирда вилоят судларида судьялар сонининг камлиги 20 мингдан ортиқ ишнинг бир вилоятдан бошқасига олиб берилишига, натижада фуқароларнинг ортиқча овора бўлишларига сабаб бўлган бўлса, эндиликда бу каби муаммолар тўлиқ бартараф этилади.

Бундан ташқари тегишли туман (шаҳар) аҳолиси сонидан ва судларнинг ҳақиқий иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, суд тизимининг қуйи бўғинида қатор ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Амударё, Нуробод, Бойсун ва Пастдарғом иқтисодий судлари тугатилмоқда. Ушбу ҳудуддаги иқтисодий низоларни кўриш вазифаси уларга яқин туманлардаги судларга юклатилмоқда.

Аҳолиси нисбатан кўп бўлган ҳамда қўшни туман судлари узоқ масофада жойлашган Янгийўл туман ва шаҳар (275 минг) ва Ургут (507 минг), Хатирчи (193 минг), Пахтакор (124 минг) туманларида фуқаролик ишлари бўйича судлар ташкил этилмоқда.

Шунингдек, Сўх тумани (аҳолиси 77 минг) анклав бўлгани, фуқароларга чегарадан ўтиб, Риштон туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судга келишлари қийин бўлганлиги сабабли (150 км), шу туманда янги фуқаролик ишлари бўйича суд ташкил этилмоқда.

2019-2020 йилларда янги ташкил этилган Бўзатов, Та-

хиатош, Бандихон ва Тупроққалъа туманларида жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилмоқда.



Акмал МИРЗАХОНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Бектемир тумани судининг
судьяси:

ОДИЛ СУДЛОВ ТИЗИМИ — РИВОЖЛАНГАН ЖАМИЯТНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ

— Юқорида ҳамкасбларимиз томонидан тўғри таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари томонидан жорий йил 24 июль куни имзоланган мазкур Фармон ривожланган жамиятнинг энг муҳим белгиларидан бири бўлган одил судлов тизимининг вужудга келишида муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судларининг ташкил этилиши жуда ўринли.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, айрим туманлар иқтисодий судларининг тугатилиши ёки фуқаролик ишлари бўйича баъзи бир туман судларининг, худди шундай жиноят ишлари бўйича бир қатор туманлар судларининг ташкил этилиши кўплаб фуқаролар учун

қулайлик туғдиради.

Фармон билан прокурорнинг судда иштирок этиши тартиби илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартларга мослаштирилмоқда. Жумладан, давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда, реабилитация асосларига кўра, жиноят ишини тугатиш, тарафлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина прокурор томонидан суддан ишларни чақириб олиш, бошқа шахсларнинг ташаббуси билан кўзғатилган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этишини истисно этиш назарда тутилмоқда.

Бундай қоидаларнинг киритилиши, албатта, суднинг мустақиллигини, тарафларнинг судда тортишувчанлик ва тенглиги тамойилини амалда таъминлашга хизмат қилади.

Умуман олганда, Фармон суд ҳимоясини таъминлашдаги ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этишга, суд қарорларини қайта кўришнинг бир-бирини такрорловчи босқичларини бекор қилишга, инвесторлар ҳуқуқларининг ишончли суд ҳимоясида бўлишини таъминлашга, шунингдек, суд органларининг амалдаги тузилишини замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш лозимки, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар ислохот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли рўёбга чиқариш, суд тизимининг шаффофлиги, одил судловнинг самарадорлигини ошириш учун амалга оширилаётганини кўриш мумкин.

**Давра суҳбатини
Арслон ЭШМУРОДОВ
тайёрлади.**

Фуқаронинг йўқотган паспортини тиклаш бўйича тартиб-таомилларни такомиллаштириш масалалари

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги конституциявий мақом ва республикамиз ҳудудига ягоналик хусусиятга эга ҳуқуқий институт ҳисобланади. Шу боис, Асосий Қонунимизда фуқароликка оид нормалар инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини белгиловчи нормалардан олдинроқ жойлаштирилган. Зеро, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларидан фойдаланиш, бурчларнинг доирасини белгилаш бевосита фуқаронинг маълум давлатга мансублигидан келиб чиқиб, белгиланади.

Сахипжамал ДЖОЛДАSOBA,
юридик фанлар номзоди, доцент

Жорий йилнинг 13 март куни "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасидаги муҳим қадам бўлди. Мазкур қонун фуқаролик институтининг мазмун-моҳиятини, шунингдек, соҳадаги қонун ҳужжатларининг очиқлиги ва демократиявийлиги даражасини белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисидаги қонунчилигининг асосий принципларини акс эттирган ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Қонун билан илгари ҳуқуқий база-си мавжуд бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалалари бўйича илтимосномаларни кўриб чиқишни тўхтатиш ва тугатиш тартиби ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари бўйича комиссия фаолиятининг ҳуқуқий асослари, унинг асосий вазифа ва ваколатлари белгилаб берилди. Бундан ташқари ри-

вожланган давлатларнинг қонунчилигида мавжуд бўлган муҳим норма — Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш шarti сифатида давлат тилини мулоқот учун етарли даражада билиш бўйича талаблар ҳамда фуқаролик масалаларини кўриб чиқишда идоралараро электрон ҳамкорлик механизмлари киритилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарини расмийлаштириш ва бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспорти ўрнига 2021 йилдан бошлаб идентификация ID-карталарини расмийлаштириш ва бериш тизими жорий этилгани, бир томондан, фуқароларга давлат хизматларини кўрсатишда қўшимча қулайликлар яратса, иккинчи томондан, ID-карталарни жорий этиш орқали республика аҳолисининг аниқ ҳисо-



бини юритиш имконини беради. Ушбу тизимни такомиллаштириб, келгусида ID-картадан шахсни тасдиқловчи ягона идентификатор ҳужжат сифатида фойдаланиш ва идоравий тармоқларда сақланувчи шахс ҳақида маълумотлар жамланмасидан (ҳайдовчилик ва пенсия гувоҳномаси, тиббиёт ва тўлов карталари, суғурталар, солиқ тизими ва ҳ.к.) калит сифатида фойдаланиш имкониятини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Демак, фуқаролик паспорти инсоннинг мамлакат ичида ва ташқарисида ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятини яратиб беришини юқоридаги кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан кўришимиз мумкин.

Фуқаролик паспорти — шахсни маълум давлатга мансублигини аниқловчи ва унинг шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Давлатнинг ваколатли органи томонидан бериладиган ушбу давлат ҳужжати, аввало, унинг фуқаролигини тасдиқлайди, яъни унинг давлат билан доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди,

бу алоқа уларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва бурчларида ифодаланади. Бинобарин, фуқаролик паспорти Ўзбекистон Республикаси мулки ҳисобланиб, унинг эгаси Ўзбекистон Республикаси ҳимоясида бўлади.

"Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги мавжудлигини кўрсатувчи бошқа ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.¹ Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти мамлакатимизнинг 16 ёшга тўлган барча фуқароларига, шунингдек, фуқаролик тўғрисидаги қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олган шахсларга берилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортини бериш, алмаштириш ва ундан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги ПФ-4262-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Ушбу Низом билан ҳар бир паспорт эгасига фуқаро паспортини эҳтиёт қилиб сақлаш мажбурияти юклатилган. Фуқаронинг паспортни эҳтиёт қилиб сақламаганлиги оқибатида йўқотиб қўйганлик учун маъмурий жавобгарликка тортишга сабаб бўлиши белгиланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон фуқаролари томонидан йўқотилган паспортларни тиклаш амалиётида қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улар, асосан, паспортни йўқотганликни расмийлаш-

тириш ва янги паспортни олишга қадар тартиб-таомилларнинг мураккаблигидан вужудга келган.

Биринчидан, фуқаронинг йўқотилган паспортни тиклаш учун ортиқча ҳужжатларнинг талаб этилиши вақт ва ортиқча сарф-харажатларнинг сарфланишига олиб келмоқда. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида паспортни йўқотган фуқародан аризадан ташқари туғилганлик, никоҳ тузилганлик ҳақидаги гувоҳномалар (агар никоҳда бўлса), уй дафтари ёки хонадон карточкаси (шакл-16, 17) талаб этилади. Бундан ташқари жойларда йўқолган паспортни тиклаш жараёнида қўшимча ҳужжатлар сифатида ҳарбий гувоҳнома ёки мудофаа бўлимидан маълумотнома, ота-онанинг паспорт нусхалари, уларнинг ўлим ҳақида гувоҳномалари, никоҳда эмаслиги тўғрисида ФХДЁ органларининг маълумотномалари, маҳаллий матбуотда паспорт йўқолганлиги ҳақида эълон берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этиларди.

Иккинчидан, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларида паспорт йўқолгани ҳақидаги иш юритиш тартиби маънавий эскирганлиги сабабли, янги ёндашувни талаб этади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низомга мувофиқ фуқаро паспортини йўқотганда, паспорт йўқолганлиги ҳақида ариза берилган кундан бошлаб, бир ой ичида янги паспорт берилиши, зарур ҳолларда эса, бу муддат ички ишлар органи раҳбарияти томонидан яна бир ойга узайтирилиши, истисно тариқасида кўриб чиқиш муддатини олти ойгача узайтириш мумкинлиги кўрса-

тилган. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг, айниқса, чет давлатларда таҳсил олаётган ёки ишлаётган фуқароларга қийинчилик туғдириши мумкин. Мазкур ҳолат коррупцияга шароит яратиб берганлиги сир эмас.

Учинчидан, фуқаро паспортни қасддан яроқсизлантириш ёки эҳтиёт қилиб сақламаганлиги оқибатида йўқотиб қўйганлик учун жавобгарликка тортиш масаласини қайта кўриб чиқиш ва тақомиллаштириш тақозо этилмоқда. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 223-моддаси 1-қисмида фуқаронинг паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан, доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобга турмасдан яшаганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгиланганлиги билан бир қаторда паспортни қасддан яроқсизлантириши ёки эҳтиёт қилиб сақламаганлиги оқибатида йўқотиб қўйганлик учун ҳам бир хил — базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмидан уч бараваригача жарима солишга сабаб бўлиши белгилаб қўйилган. Шунингдек, паспорти йўқолган фуқарога йўқолганлик ҳақида йиғма иш жилд юритилиши жараёнида маъмурий баённома тузилади ва унга жарима миқдори эълон қилинади. Аксарият ҳолларда қоидабузар томонидан белгиланган жарима шу куннинг ўзида тўланади. Аммо айрим ҳолларда йиғма жилдни кўриб чиқиш мобайнида фуқаро томонидан йўқотилган паспорт топиб олинади ва маъмурий баённома бекор қилиниши ҳамда тўланган жарима қайтарилиши талаб этилади. Амалиётда бу каби ҳолатларда қандай йўл тутилиши кераклиги лозимлиги Маъмурий жавобгарлик

тўғрисидаги кодексида акс эттирилмаган.

Бундан ташқари "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти фуқароликни тасдиқловчи ягона ҳужжат ҳисобланмайди. Ун олти ёшга тўлмаган боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжати — унинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси. Ушбу ҳужжат ФХДЭ органларида давлат рўйхатидан ўтадиган ҳужжат ҳисобланади. Ушбу ҳужжатни қасддан яроқсизлантириш ёки эҳтиёт қилиб сақламаганлиги оқибатида йўқотиб қўйганлик учун вояга етмаганнинг қонуний вакилига нисбатан ҳеч қанақа жавобгарлик белгиланмаган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, қуйидагилар тақлиф этилади:

Биринчидан, паспорт йўқолган ҳолларда, уни тиклаш механизмини соддалаштириш. Бунда паспортни йўқотган фуқаронинг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларига масофавий мурожаат қилиши орқали ушбу тизимга ахборот технологияларни кенг жорий этиш тақозо этилмоқда. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларини кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари фуқаролик паспорти тиклаш учун аризадан бошлаб, қўшимча ҳужжатларни йиғиш масаласини фуқаронинг ўзига юклаш эмас, балки идораларо электрон ҳужжат алмашинув тизими орқали тегишли маъмурий регламентлар билан тартибга солиш мақсадга мувофиқ. Бунда йўқотилган фуқаролик паспорти ўр-

нига янгисини бериш учун давлат идораларидан олиш керак бўлган барча маълумотларни идораларо электрон ҳамкорлик воситасида маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш лозим. Ушбу чора-тадбирларнинг жорий этилиши "Электрон ҳукумат" тизимининг самарали ишлашига ёрдам беради.

Иккинчидан, паспортни қасддан яроқсизлантириш ёки эҳтиёт қилиб сақламаганлиги оқибатида йўқотиб қўйганлик учун маъмурий жавобгарликни бекор қилиш керак. Чет эл давлатларининг (АҚШ, Германия, Латвия, Озарбайжон, Сингапур, Украина, Чехия ва Қозоғистон) маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни белгиловчи қонунчилик таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларда паспортни йўқотганлик ёки уни яроқсиз ҳолга келтирганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмаган. Бироқ фуқаролик паспорти тиклаш қўшимча тўловлар орқали амалга оширилиши белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси "Паспорт тизими қоидаларини бузиш" деб номланган 223-моддаси биринчи-иккинчи қисми диспозицияларидан "Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаросининг ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳақиқий бўлмаган яшаш гувоҳномаси билан яшаши, вақтинча ёки доимий пропискасиз яшаши, яшаш гувоҳномасини қасддан яроқсизлантириши, эҳтиёт қилиб сақламаганлиги оқибатида йўқотиб қўйиши" ҳамда "фуқаролар томонидан ўз турар жойларида шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз, вақтинча ёки доимий прописка-

сиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмасдан яшашига йўл қўйилиши" сўзларини чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Шунингдек, яроқсиз ҳолга келтирилган ёки йўқотилган паспорт ёхуд яшаш гувоҳномаси ўрнига янгисини берганлик учун қўшимча тўловларни амалга ошириш тизимини жорий этиш — масаланинг ечими бўлиши мумкин. Шу муносабат билан "Давлат божи тўғрисида"ги қонун билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларининг миқдорларини Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти яроқсиз ҳолга келтирилганлиги ёки йўқотиб қўйганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароси яшаш гувоҳномаси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг биометрик ҳаракатлашиш ҳужжатини яроқсиз ҳолга келтирилганлиги ёки йўқотиб қўйганлиги учун ушбу ҳужжатлар ўрнига тегишлича паспорт, яшаш гувоҳномаси ёки ҳаракатлашиш ҳужжатини берганлик учун давлат божи миқдорини белгилашни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бу эса, фуқароларга қулайлик яратиш, улар ортиқча овора бўлишининг олдини олиш, қоғоз кўринишидаги ҳужжатлар талаб этилиши кескин камайишига олиб келади ҳамда фуқаролар томонидан йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келган паспортлар ўрнига янгисини бериш тартиби соддалаштирилади.

¹ "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.03.2020 й., 03/20/610/0299-сон

Аҳоли муурожаатлари – жамиятда саводхонлик даражасини кўрсатувчи индикаторлардан бири сифатида

Маълумки, аҳоли муурожаатлари муайян ҳудуд ёки соҳада давлат органлари, мансабдор шахсларнинг фаолияти самарадорлигини, уларга нисбатан халқ муносабатини акс эттирувчи оил эканлиги ҳақида тез-тез сўз юритилади, таҳлиллар қилинади. Бироқ бундай тушунча ва ёндашувлар, бизнингча, муурожаатлар асосига юзага келадиган муҳим хулосаларни тўлиқ ифода эта олмайди.

Олим ФАЙЗИЕВ,

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори

Аҳоли муурожаатлари билан ишлаш асносида келгусидаги ишларни режалаштириш, ижтимоий муносабатларни норматив-ҳуқуқий тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш, хато ва камчиликларни ўз вақтида тўғрилаш, аҳоли ижтимоий кайфиятини кузатиб бориш каби йўналишлар бўйича кўплаб таҳлиллар қилиш, илмий-амалий хулосалар чиқариш мумкин.

Шундан келиб чиқиб, ушбу мақолада жисмоний ва юридик шахслар томонидан йўлланётган муурожаатларда тил қоидаларига қай даражада риоя этилаётгани ҳақида сўз юритилиб, бу борадаги мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг келиб чиқиш сабаблари баҳоли-қудрат ўрганилган, илмий-амалий хулосалар баён этилган.

Табиийки, муурожаатларда тил қоидаларига риоя этилиши уларда кўтарилган масалаларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ тушуниш ва муаллифнинг руҳий-психологик ҳолатини чуқурроқ ҳис қилиш имконини беради.

Давлат органларига биргина кейинги уч ярим йил давомида келиб тушган муурожаатлар билан ишлаш амалиётини илмий-амалий таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, кўп ҳолларда муурожаатлар муаллифлари матн ёзишда қуйидаги камчиликларга йўл қўймоқда:

- муурожаатлар матни кўплаб имловий хатоликлар билан ёзилмоқда (қуйидаги сўзлар муурожаатлар матнида жуда кўп қўлланилади ва аксарият ҳолларда имловий хато билан

ёзилади: ассалому алайкум (ассалому алейкум, ассалому алайкум), ҳокимият (хокимят), 2020 йил (2020-йил), 24 апрель (24-апрель), мақсад (махсат), оила (ойла), шароит (шаройит), виртуал (вертувал, вертуал), муурожаат (муурожат), телефон (телифон, телфон), имтиёз (имтийоз), кредит (кредит), раис (райис), комиссия (камиссия), онлайн (онлайн), хонадон (хонодон), контракт (кантрак), қоида (қойда), лойиҳа (лоиха);

- муурожаатлар матнида тавтологиялар кўплаб учрамоқда ("уй қуриб берилишига амалий ёрдам беришингизни сўрайман"), гап тузишда қўшимчалар нотўғри ("менинг қишлоғимизда", "бизни маҳалламизга", "ҳаммани олдида") ва тушунчалар (атамалар) турлича қўлланилмоқда (умумтаълим мактаби — мактаб, мактабгача таълим муассасаси — боғча, карта — пластик карта — пластик, фуқаролик паспорти — паспорт), истеъмолдан чиқиб кетган атамалардан, асосан, ёши катталар томонидан фойдаланилмоқда ("олий совет", "совхоз");

- чет эл фуқароларидан таржимон ёрдамсиз тушуниш мушкул бўлган турли тилларда (француз, немис, араб, турк, хитой, итальян ва ҳоказо) муурожаатлар келмоқда (бундай ҳолатларда муурожаатлар билан ишлаш қай тартибда амалга оширилишини назарда тутувчи механизмлар мавжуд эмас, амалиёт ҳам турлича);

- муаллифлар матнни ихчам ва лўнда ёзиши мумкин бўлса-да, муурожаатларга зарурати бўлмаган ҳолда ҳам ҳаддан ташқари кўп маълумотлар киритишни, матнни катта ҳажмда (асосан, суд-ҳуқуқ соҳасига доир муурожаатларда) баён этишни лозим топмоқда. Айрим муурожаатлар ҳатто 40-50 саҳифани ташкил қилмоқда;

- муурожаатлар матнида шевага хос сўзлардан фойдаланилмоқда (бундай ҳолатлар, асосан, Тошкент шаҳри, Хоразм, Наманган, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари аҳолисидан келиб тушган муурожаатларда кузатилмоқда. Масалан, "муурожаат қивомман", "ҳич нарса бомади", "уй берилмиди дип этишти" — Тошкент шаҳри; "етира олмадик", "йўл идораси" — Хоразм вилояти туманлари, "меним илтимосим", "олиб тайлабди" — Самарқанд,

Қашқадарё ва ҳоказо);


- қўлда тушунарсиз ҳолда ёзилиб, почта ёки веб-сайт орқали юборилган (бириктирилган) айрим мурожаатлар масъулларга уларнинг мазмун-моҳиятини ўқиб, тушунишда қийинчилик туғдирмоқда.

Биз бундай салбий ҳолатларни келтириб ўтишда фақатгина "оддий хато"лар хусусида тўхталиб ўтдик, холос. Ачинарлиси, шундай мурожаатлар ҳам борки, уларни ўқиганда, турли тухмат ва маломатлар, ҳақоратли ва уятли сўзларни, мантқиқсиз гапларни кўриб, айрим юртдошларимизда мурожаат маданияти етишмаётганига амин бўлишимиз мумкин. Энг ёмони шундаки, айримлар томонидан оила аъзолари, қўни-қўшнилар орасидаги шахсий муаммолар ҳам "ташқарига" олиб чиқиладигани азалий қадрияларимизга, халқимизга хос бўлган ор-номус, ғурур, андиша сингари фазилатларга соя солмоқда.

Ўз ўрнида шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан мурожаатлар юзасидан фуқароларга юборилаётган жавоб хатларини ҳам камчиликлардан холи деб бўлмайди. Хусусан, жавоб хатларида кўплаб имловий хатоликларга йўл қўйилаётгани, гаплар сунъий равишда мураккаб тузиладигани (ушбу амалиёт жавоб хатлари мазмунини тушунишда мурожаатчиларга қийинчилик туғдиради), бир масала бўйича берилган тушунтиришлар масъул ижрочи органлар томонидан турлича баён этиладигани, айрим ҳолларда жавоб хатларида мурожаатларда кўтарилган масалани ҳал этиш имкони йўқлигига энг юқори даражада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сабаб қилиб кўрсатиладигани (бизнингча, бундай ёндашув аҳоли ўртасида муаммолар гўёки ушбу ҳужжатлар қабул қилиниши туфайли пайдо бўлмоқда, деган нотўғри фикр шаклланишига сабаб бўлиши мумкин) каби ҳолатлар ҳам учрамоқда.

Шунингдек, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг 27-моддасида мурожаатларга жавоблар мумкин қадар мурожаат этилган тилда баён қилиниши белгиланган. Бироқ амалиётда фуқаролардан бошқа тилларда келиб тушаётган мурожаатларга ушбу тилларда жавоб хати тайёрлаш масъул ижрочилар учун (агар жавоб хатлари давлат тилида берилса, муаллифларга ҳам) қийинчилик туғдирмоқда. Шу сабабли, фикримизча, қонунга муаммонинг ечимига қаратилган тегишли ўзгартишлар киритилиши мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги каби муаммолар кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ. Уларнинг келиб



чиқишини қуйидаги сабаб ва шарт-шароитлар билан изоҳлаш мумкин:

- миллий таълим тизимида хато ва камчиликларга, таълим сифати назоратини таъминлашда сусткашликка, коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилганлиги;

- лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш ишларининг қатъий амалга оширилмаганлиги, пайсалга солинганлиги;

- узоқ вақт давомида жамиятда мутолаа маданиятини юксалтириш билан боғлиқ муҳим масалаларни ҳал этиш ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги;

- жамиятда имловий саводхонликни таъминлашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмаганлиги;

- инсон капиталига инвестиция киритишга етарли аҳамият берилмай қўйилганлиги;

- нашр қилинаётган китобларда имловий хатолар кўплиги, улар сифатсиз нашр қилинаётганлиги;

- атрофимизда (таълим муассасалари, ташкилотлар, кўчалар ва бошқа объектларда) кўзга яққол ташланувчи пешлавҳалар, шиорлар, ҳикматли сўзлар ёзилган лавҳалар, кўча-кўйда, деворларда, дарахтларда ёпиштириб қўйилган кичик-кичик реклама лавҳаларида ўзбек тилидаги сўзлар ҳанузгача хатолар билан ёзиладиганлиги;

- турли сабаблар (моддий қийинчилик, билим олиш натижаларига ноумид қараш, оилавий жанжаллар) туфайли, аксарият оилаларда фарзандларнинг билим олишларига, саводхонлигини оширишга эътибор берилмаганлиги.

Таъкидлаш жоизки, мурожаатларни ёзишда давлат тили қоидаларига риоя қилмаслик, матнни тушунарли, лўнда, аниқ тарзда баён этмаслик, табиийки, уларнинг ваколатли органлар ва масъул шахслар томонидан кўриб чиқилишида қатор муаммо ва қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Хусусан:

- матнни ўқиб тушуниш, асл муаммо ва ҳақиқатни аниқлаш, масъул ижрочиларни (ташкилот, ходимни) белгилаш жараёнларини қийинлаштиради;

- ҳақиқий муаммони аниқлаб, ҳал қилиш бўйича ўз вақтида зарур чора-тадбирлар белгиланишига салбий таъсир қилади;

- масъул раҳбарларнинг мурожаат матни-

ни ўқиб чиқиш эҳтимолини камайтиради;

- муаллифнинг важларини аниқлаш мақсадида, у билан алоқага киришиш учун кўшимча вақт ва моддий ресурслар сарфланишини талаб қилади;

- муурожаатларга юзаки жавоб берилишига, жавоб хати тайёрлашда кўриб чиқиш зиммасига юклатилган ижрочи ходим нуқтаи назари устуворлик қилишига сабаб бўлади, барча босқичда унинг фикрига таянилади, ишониб қолинади.

Шу ўринда қайд этиб ўтиш жоизки, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддасида муурожаатларга қўйиладиган талаблар белгиланган бўлса-да, ушбу моддада айнан муурожаатлар матнига қўйиладиган талаблар баён этилмаган.

Қонунчиликда жисмоний ва юридик шахслар муурожаатлари матнига, улар тузилишига қўйиладиган талаблар белгиланмаганлиги ҳам муурожаатлар билан ишлашда юқоридаги каби қийинчиликлар ва муаммолар юзага келишига муайян даражада сабаб бўлмоқда.

Шу боис, бизнингча, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида"ги қонунга муурожаатлар матни имкон қадар лўнда, тушунарли, оддий ва равон тилда баён этилишини ҳамда умумэтироф этилган грамматик, орфографик ва пунктуация қоидалари асосида тузилишини, шунингдек, уларда ҳақоратли, уятли сўзлар ишлатилиши тақиқланишини, умумқабул қилинган қисқартмалар қўлланилиши мумкинлигини назарда тутувчи норма киритилиши лозим.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, сўнги йилларда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан оширишга давлат раҳбари даражасида алоҳида эътибор қаратилиши, туб ислохотлар ўтказилиши, жамиятда китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга қаратилган чоралар кўрилиши натижасида жамиятда ўзбек тилининг мавқеи сезиларли даражада ортмоқда.

Тилга эътибор масаласида сўз кетар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимда "ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақиллик-

ка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни, Она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз керак" деб алоҳида таъкидлаганини эътироф этиш ўринлидир.

Юқорида баён этилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, биринчи навбатда, мутасадди вазирлик ва идоралар (Давлат тилини ривожлантириш департаменти, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси ва ҳоказо) томонидан олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан биргаликда аҳолининг саводхонлиги даражаси борасидаги муаммолар чуқур ўрганилиб таҳлил қилиниши, бугунги ҳақиқий аҳвол танқидий баҳоланиши ва ҳолатга аниқ "ташхис" қўйиб олиниши зарур.

Шундан сўнг жамиятда умумий саводхонликни оширишга қаратилган илмий асосланган комплекс чора-тадбирлар (умумий аҳволни тўғрилаш учун қилиниши лозим бўлган ишлар стратегияси ва тактикаси) белгиланиши, бунда, бизнингча, тадбирларнинг манзилли бўлишига, жумладан, тажриба тариқасида дастлаб бирор-бир ташкилот, масалан, аҳолининг аксарият қисми келиб муаммоси ва дардини айтадиган маскан — Ўзбекистон Республикаси Президентининг жойлардаги Халқ қабулхоналарини танлаб олиб, ташриф буюрувчиларга муурожаат матнини тўғри, аниқ, қисқа ва тушунарли ёзишни ўргатишга, турли соҳалар бўйича келиб тушган муурожаатлар мазмунини чуқур таҳлил қилиб, ариза, шикоят ва таклифларнинг намунавий шакллари ишлаб чиқиш ва амалга киритишга ҳамда соҳага сунъий интеллект ютуқларини босқичма-босқич жорий этишга эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, хорижий мамлакатлардан келиб тушаётган ҳамда уларда кўтарилган муаммоларни тушуниш, масъуллар учун қийин бўлган чет тилида ёзилган муурожаатлар билан ишлаш масаласида келгусида муаммони тўғри тушуниб етиш ва манзилли чоралар кўрилишини таъминлаш мақсадида, муурожаатларни кўриб чиқувчи ваколатли ташкилотлар ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамкорлигини йўлга қўйиш механизmlарини яратиш таклиф этилади.

Хулоса сифатида муурожаатлар жамиятда умумий саводхонлик даражасини акс эттирувчи муҳим индикатор, муурожаатлар матнининг савияси эса, миллий таълим тизимига қўйилган баҳо, дейиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг АХБОРОТНОМАСИ

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда, Жиноят кодексидан фарқли равишда, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахслар алоҳида кўрсатилган. Жиноят кодексига эса, барча жиноят ишлари жиноят ишлари бўйича судлар томонидан қонуний кўриб чиқилиши белгиланган. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ҳуқуқбузарликларнинг тоифаларига қараб, шу тоифадаги ишларни кўриб чиқувчи органлар тизими келтирилган.

Аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган органлар (мансабдор шахслар)

Икром РАЖАБОВ,

*Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши
ҳузуридаги Судьялар олий мактаби магистранти*

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 242-моддаси "Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар (мансабдор шахслар)" деб номланган бўлиб, унга кўра, Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни:

1) туман (шаҳар) маъмурий судлари, иқтисодий судлар, фуқаролик ишлари бўйича судлар;

3) вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идоралараро комиссиялари;

4) ички ишлар органлари (мансабдор шахслари), давлат инспекцияси органлари (мансабдор шахслари) ва ушбу кодекс билан ваколат берилган бошқа органлар (мансабдор шахслар) кўриб чиқадилар.

Аҳолининг соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг VI бобида келтириб ўтилган бўлиб, унга кў-

ра, бу тоифадаги ҳуқуқбузарликлар тоифасига қуйидагилар киритилган. Яъни енгил тан жароҳати етказиш (52-модда), санитария қонун ҳужжатларини бузиш (53-модда), эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш (54-модда), радиацион хавфсизликка доир қоидалар, нормалар, йўриқномалар ва бошқа талабларни бузиш (55-модда), гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш (56-модда), жамоат жойларида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш (561-модда), таносил касаллиги ёки ОИВ касаллиги/ОИТС юқадиган манбани яшириш (57-модда), таносил касаллигига ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга учраган шахсларнинг текширишдан бўйин товлаши (58-модда), ОИВ касаллиги/ОИТС юққан-

юқмаганлигини аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтказишда, шунингдек, тиббий ва косметик муолажаларни ўтказишда хавфсизликни етарли даражада таъминламаганлик (59-модда), ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfli ҳолатда бўлган шахсга шошилиш ва (ёки) кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатишни асоссиз равишда рад этиш (591-модда).

Юқоридаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган органлар (мансабдор шахслар) ҳам мазкур кодексга кўра, турлича қилиб белгиланган.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган мансабдор шахслар ушбу Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг Махсус қисмида назарда тутилган маъмурий жазо чораларини ўз ваколатлари доирасида ва фақат хизмат бурчини бажариб турган чоғдагина қўллашлари мумкин.¹

Ўз навбатида, аҳолининг соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар

тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар ва (мансабдор шахслар) деганимизда, аввало, мазкур ишларни кўриб, қонуний, адолатли ҳал қилишни тушунишимиз даркор. Оддий қилиб тушунтирадиган бўлсак, буни тааллуқлилиқ, яъни ишларни турли давлат органлари ва мансабдор шахслари томонидан қонунан ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқилишини назарда тутамиз.

Тааллуқлилиқ — бу давлат томонидан ҳал этиладиган ҳуқуқ ҳақидаги низолар ва бошқа юридик ишларнинг у ёки бу давлат органи юритувига тегишлилигидир.

Тааллуқлилиқ юридик ишларни турли хил юрисдикциявий органлар ўртасида аниқ ва мақсадга мувофиқ равишда тақсимлашини таъминлайди.

Тааллуқлилиқнинг муҳим белгиси — бу унинг қонун билан аниқ белгилаб қўйилганлигидир.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: аҳолининг соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг айнан қайсилари Маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилади ва ҳал этилади?

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245-моддасига мувофиқ, маъмурий судлар айнан аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг қуйидаги, яъни энгил тан жароҳати етказиш (52-модда), гиёҳванд-

лик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни озмиқдорда ғайриқонуний равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш (56-модда), жамоат жойларида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш (56¹-модда), таносил касаллиги ёки ОИВ касаллиги/ОИТС юқадиган манбани яшириш (57-модда), таносил касаллигига ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга учраган шахсларнинг текширишдан бўйин товлаши (58-модда), ОИВ касаллиги/ОИТС юққан-юқмаганлигини аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтказишда, шунингдек, тиббий ва косметик муолажаларни ўтказишда хавфсизликни етарли даражада таъминламаганлик (59-модда), ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfli ҳолатда бўлган шахсга шошилиш ва (ёки) кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатишни асоссиз равишда рад этиш (59¹-модда) тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади ва ҳал этади. Бу қонун билан маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилиши белгиланган ҳуқуқбузарликлар сирасига кирса-да, кодекснинг 245-моддаси 2-қисмида қуйидаги қоидалар ҳам мустахкамланган. "Агар ҳуқуқбузар ҳуқуқбузарлик фактини инкор этса, маъмурий судлар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги бошқа ишларни ҳам, худди шунингдек, содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги

сабабли, ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги ёки энгилроқ маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун ўзларига топширилган ишларни ҳам бевосита кўриб чиқади".

Ўз навбатида, маъмурий судлар ўзи нима, уларнинг ваколатлари ҳамда вазифалари нималардан иборат, деган саволга ҳам жавоб бериб ўтиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган "Судлар тўғрисида"ги қонуни 37-моддаси 4-қисмига мувофиқ, туман (шаҳар) маъмурий судининг ваколатлари қуйидагилардан иборат эканлиги қайд этилган: "Туман (шаҳар) маъмурий суди давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, шунингдек, улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган шикоят ва аризалар бўйича маъмурий низоларни ҳамда қонун билан унинг ваколатлари доирасига берилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади".

Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ, "Ўзбекистон Республикасида суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ

ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилган.

Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир”, деб суднинг вазифалари мустаҳкамлаб қўйилган.

Аҳолининг соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг қолганлари қайси органлар томонидан кўриб чиқилади ва ҳал этилади?

Кодекснинг 248-моддасига мувофиқ, Ички ишлар органларига ушбу кодекснинг 56¹-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир. Ички ишлар органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва маъмурий жазо қўллашга қўйидагилар ҳақли: кодекснинг 56¹-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманлар ички ишлар бўлимларининг (бошқармаларининг) бошлиқлари ёки бошлиқ ўринбосарлари, шунингдек, транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаларининг (бўлимларининг) бошлиқлари ва метрополитенни муҳофаза қилиш бўйича ички ишлар бўлимларининг бошлиғи ёки бошлиғи ўринбосарлари

ҳамда ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика катта инспекторлари ва инспекторлари;

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 250-моддасига мувофиқ, темир йўл транспорти ва метрополитен органлари аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг қўйидаги, яъни санитария қонун ҳужжатларини бузиш (53-модда) тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади ва ҳал этади.

Кодекснинг 250-моддаси 3-қисмида қўйидагилар темир йўл транспорти ва метрополитен органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўлланишга ҳақлидирлар, деган қоида мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра:

станция бошлиғи ва унинг ўринбосари, вокзал бошлиғи ва унинг ўринбосари, локомотив (вагон) депосининг бошлиғи, йўловчилар поездининг бошлиғи (йўловчилар поездининг механик-бригадири);

йўловчилар поездининг назоратчи-тафтишчиси, йўловчилар поездининг тафтишчи-йўриқчиси, даромадларни назорат қилиш бўйича тафтишчи, йўл устаси, йўл дистанцияси бошлиғи, сигнализация ва алоқа дистанцияси бошлиғи;

ҳарбийлаштирилган соқчилик бошлиғи ва унинг ўринбосари, ённинг ол-

дини олиш бўйича отряд (команда, ўт ўчириш поезди) бошлиғи ва унинг ўринбосари, катта йўриқчи ва йўриқчи, команданинг, ўт ўчириш поездининг, ҳарбийлаштирилган соқчиликнинг бўлинмаси (қоровул) бошлиғи;

бош санитария врачлари (тиббий-санитария хизмати бошлиғининг ўринбосари), Марказий санитария-эпидемиология станциясининг бош санитария врачлари, санитария-эпидемиология станциясининг бош санитария врачлари.

Йўловчилар поездининг бошлиғи (йўловчилар поездининг механик-бригадири), йўл устаси, бўлинма (қоровул), команданинг, ўт ўчириш поездининг, ҳарбийлаштирилган соқчиликнинг бўлинмаси (қоровул) бошлиғи, бош санитария врачлари (тиббий-санитария хизмати бошлиғининг ўринбосари), Марказий санитария-эпидемиология станциясининг бош санитария врачлари, санитария-эпидемиология станциясининг бош санитария врачлари, санитария-эпидемиология станциясининг бош санитария врачлари, санитария-эпидемиология станциясининг бош санитария врачлари соладиган жариманинг миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисми миқдоридан ошмаслиги керак.

Хўш, бу органлар номидан айнан кимлар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва маъмурий жазоларни қўллашга ҳақли?

Бунга ҳам кодекснинг 251-моддаси 2-қисмида жавоб бериб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат ин-

спекциясининг бошлиғи ва унинг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошқармаларининг ва бўлимларининг бошлиқлари;

Миллий авиакомпаниянинг бош директори ва унинг ўринбосарлари, авиакомпания Учиш мажмуасининг директори ва унинг ўринбосари, аэропорт (авиакорхона) директори, авиакомпания бош инспектори, авиакомпаниянинг тиббий-санитария хизмати бошлиғи.

Шунингдек, санитария қонун ҳужжатларини бузиш (53-моддаси) тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш юқоридаги органлардан ташқари, кодекснинг 252-моддасига мувофиқ, суд транспорти органлари ваколатларига ҳам киритилган.

Қонун талабига кўра, порт бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, пристань ва вокзалларнинг бошлиқлари, порт, пристань ва вокзалларнинг навбатчи маъмурлари, порт ҳудудлари бошлиқлари ва шлюз бошлиқлари, кемаларнинг капитанлари, уларнинг ёрдамчилари ва штурманлари, кема қатнови инспекцияларининг катта инспекторлари ва инспекторлари, кема тафтишчилари, порт, пристань жойлашган ердаги ҳарбийлаштирилган идоравий соқчилигининг юқори мансабдор шахси (бирлашган отряд бошлиғи, отряд бошлиғи, командир, ёнғиндан сақлаш йўриқчиси) сув

транспорти органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўллашга ҳақлидирлар.

Аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги санитария қонун ҳужжатларини бузиш (53-модда), эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш (54-модда), радиацион хавфсизликка доир қоидалар, нормалар, йўриқномалар ва бошқа талабларни бузиш (55-модда) ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар, асосан, кодекснинг 257-моддасига мувофиқ, давлат санитария назорати органларига тааллуқлиги қайд этилган бўлиб, унга кўра, Давлат санитария назорати органларига ушбу кодекснинг 53, 54, 55-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Кодекс талабига мувофиқ, Давлат санитария назорати органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чораси қўллашга қуйидагилар ҳақлидирлар:

Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария инспектори ва унинг ўринбосари;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати бошқарма бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари;

давлат санитария-эпиде-

миология назорати бошқармалари туман (шаҳар) филиалларининг мудирлари.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизматининг ва Миллий гвардиясининг санитария назоратини амалга оширувчи тиббий хизматларига кодекснинг 53, 54, 55-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар (шу жумладан, санитария-гигиена қоидаларини ва атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш нормаларини бузганлик) тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Кимлар мазкур органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чорасини қўллашга ҳақли?

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бош санитария врачлари — марказий санитария-эпидемиология лабораториясининг бошлиғи ва унинг ўринбосари;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тиббиёт бошқармасининг бош санитария врачлари ва унинг ўринбосари (санитария-эпидемиология назорати бош марказининг бошлиғи), Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тиббиёт бўлимининг бош санитария врачлари ва унинг ўринбосари (санитария-эпидемиология назорати марказининг бошлиғи), Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички

ишлар бошқармалари тиббиёт бўлимларининг бош санитария врачлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари (санитария-эпидемиология назорати марказларининг бошлиқлари);

Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий-тиббий хизмат санитария-эпидемиология станцияси бошлиғи;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг бош санитария врачлари — тиббиёт бошқармаси бошлиғининг ўринбосари. Бу қоида МЖТКнинг 258-моддасида ўз ифодасини топган.

Радиацион хавфсизликка доир қоидалар, нормалар, йўриқномалар ва бошқа талабларни бузиш (55-модда) ҳуқуқбузарлиги тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг органларига ҳам тааллуқли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва жарима солиш тартиқасидаги маъмурий жазо чорасини қўллашга:

Давлат қўмитаси раиси ва унинг ўринбосарлари — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваригача миқдорда;

инспекцияларнинг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваригача миқдорда;

кон-техник инспекцияларининг ва ҳудудий бошқар-

маларнинг бошлиқлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари — базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваригача миқдорда;

давлат инспекторлари — базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваригача миқдорда жарима қўллашга ҳақли ҳисобланади.

Юқоридаги органлар ва уларнинг мансабдор шахслари санаб ўтилган аҳолининг соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўриб чиқади ва ҳал қиладди.

Хўш, маъмурий орган деганда нимани тушуниш лозим ва бунга қайси органлар киради?

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий тартибтаомиллар тўғрисидаги қонунига кўра, маъмурий органлар — маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколлати берилган органлар, шу жумладан, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколлатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялар тушунилади.

Иккинчи бир таърифда эса, қуйидагича изоҳ берилган бўлиб, унга кўра, Маъмурий органлар деганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сонли Фармони билан тасдиқланган Республика давлат бошқаруви органлари рўйхатида

кўрсатилган вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар, қўмиталар, марказлар, инспекциялар ва уларнинг ҳудудий органлари, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 22-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари (вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари) ва маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга ошириш ваколлатига эга бўлган бошқа органлар тушунилади.

Маъмурий органлар деганда, давлат бошқаруви органлари (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сонли Фармони билан тасдиқланган Республика давлат бошқаруви органлари рўйхатида кўрсатилган вазирликлар, давлат қўмиталари, қўмиталар, агентликлар, марказлар, инспекциялар) ва уларнинг ҳудудий органлари, жойлардаги ижро ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, маъмурий-бошқарув ваколлати берилган бошқа ташкилотлар ва махсус ташкил этилган комиссиялар тушунилади.

Шу ўринда яна бир муҳим савол туғилади: мансабдор шахс деганда кимни тушуниш керак?

Мансабдор шахс деганда доимий, вақтинча ёки махсус ваколлат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ҳокимият ва-

кили вазифаларини бажарадиган ёхуд ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс тушунилади.

Маъмурий органлар мансабдор шахслари деганда, ҳокимият вакили вазифасини бажарадиган ёхуд мазкур органларда маъмурий-бошқарув (ташкилий-фармойиш бериш) вазифасини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахслар тушунилади.

Аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг кўриб чиқиш вазифалари нималардан иборат ва уларни ҳал этишда нималарга эътибор бериш лозим?

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш вазифалари: ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла ва объектив равишда аниқлаб чиқишдан, бу ишни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда ҳал этишдан, чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлашдан, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни аниқлашдан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашдан,

қонунийликни мустаҳкамлашдан иборатдир. (Шу кодекснинг 269-моддаси) Яъни ҳар бир содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатини ўз вақтида аниқлаб, тегишли ҳужжатлар ҳамда тасдиқловчи далилларни тўплаган ҳолда, ишнинг ҳар томонлама тўла объектив ўрганиб чиқиш лозим. Бундан ташқари ҳуқуқбузарлик ишини қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этиш лозим. Маълумки, аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг кўпчилиги бланкет диспозицияга эга ҳисобланиб, шу муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва қоидаларини ўрганиб, ҳуқуқбузар айнан қайси қонун нормасини бузганлигига аниқлик киритиш даркор. Акс ҳолда, шахснинг асоссиз равишда жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам, қонун чиқарувчи томонидан ишларнинг тааллуқлилиги масаласида айнан қайсидир соҳани назорат қилувчи орган мансабдор шахслар шу тоифадаги ишларни кўриб чиқишлари белгилаб берилганлиги бежиз эмас, албатта.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб, жазони тайинлаш оддий ишдек туюлиши мумкин. Бироқ суд ёки ишни кўриб чиққан бошқа орган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижаси юзасидан қабул қиладиган қарори ижросини

таъминламас экан, у шунчаки оддий иш бўлиб қолаверади. Суднинг ёки маъмурий органнинг асосий вазифаси ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижаси бўйича қабул қиладиган қарори ижро этилишини албатта назоратга олиши лозим ҳисобланади. Қарор ижроси таъминлансагина, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш, қонунийликни мустаҳкамлаш каби кейинги вазифалар ўз ижросини топади. Шунингдек, маъмурий суд ёки орган (мансабдор шахс) ҳуқуқбузарликнинг содир этилиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни аниқламас экан, шу турдаги ҳуқуқбузарликлар илдиз отиб бораверади. Ўз ўрнида, ҳуқуқбузарликнинг содир этилиш сабаби, яъни бу ҳуқуқбузарлик содир этилишига айнан қайси ҳолат сабаб бўлганлиги ёки имкон берганлиги чуқур ўрганилиб, таҳлил қилиниб борилиши ва ишнинг охирида бу юзасидан муносабат билдирилмоғи шарт ҳисобланади.

2019 йил 24 декабрда амалда бўлган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш тушунчаси киритилмаган эди.

2019 йил 24 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг "Баъзи давлат органларининг фаолияти тако-

миллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунига мувофиқ, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс қуйидаги мазмундаги 269¹-модда билан тўлдирилиб, унга кўра, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ишни кўриб чиқиш жараёнида орган (мансабдор шахс) томонидан талаб қилиб олинган ҳужжатлар, шунингдек, қоғозда расмийлаштирилган ҳужжатлар асосида шакллантирилади, деб таъриф бериб ўтилди.

Шу ўринда яна бир ҳақли савол туғилади: хўш, аҳолининг соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг кўриб чиқиш ва уларни ҳал этишда нималарга эътибор бериш лозим?

Албатта, бу ҳам ишнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Биринчи навбатда, ҳуқуқбузарлик баённомасини ваколатли шахс томонидан, кодекс талабларига мувофиқ тузилган-тузилмаганлиги, ҳуқуқбузарлик ҳодисаси содир қилинган-қилинмаганлиги, ҳуқуқбузарликни содир қилган шахс жавобгарликка тортилиш ёшига етган-етмаганлиги, ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этган шахс ақли расо ҳо-

латда содир қилган-қилмаганлиги, шахс ҳаракатни зарурий мудофаа ҳолатида ёки охириги зарурат ҳолатида қилмаганлиги, шахс ҳаракатни жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд кўрқитиш натижасида қилмаганлиги, маъмурий жавобгарликни белгиловчи ҳужжат бекор қилинмаганлиги, ишни кўриб чиқиш пайтига келиб, ушбу Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 36-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетмаганлиги, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс хусусида шу факт юзасидан маъмурий жазо қўлланиш тўғрисида ваколатли орган (мансабдор шахс) қарор чиқармаганлиги, шунингдек, мазкур факт юзасидан жиноят иши қўзғатилмаганлиги, шахс иш юритила бошланган пайтда вафот этмаганлигига алоҳида эътибор қатариш лозим ва ҳар бир ҳолат синчковлик билан текширилиши шарт. Агар юқоридаги ҳолатлар аниқланадиган бўлса, ишни кўраётган орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса, тугатилиши лозим.

Бундан ташқари ишларни кўриб чиқиш жараёнида баённомага қўйилган талабларга риоя қилинган-қилинмаганлигига ҳам эътибор қаратмоқ лозим. МЖтКнинг 281-моддасида баённоманинг мазмунига қўйилган талаблар кўрса-

тилган бўлиб, унга кўра, Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада: шу баённома тузилган сана ва жой, баённомани тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми; ҳуқуқбузарнинг шахсига оид маълумотлар; маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва бу ҳуқуқбузарликнинг моҳияти, ана шундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат; агар гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлса, уларнинг фамилиялари ва яшаш манзиллари; ҳуқуқбузарнинг тушунтириши; ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилади. Башарти, ҳуқуқбузарлик туфайли моддий зарар етказилган бўлса, бу ҳам баённомада қайд этилади.

Баённома уни тузган шахс ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан имзоланади; гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлган тақдирда эса — баённома мазкур шахслар томонидан ҳам имзоланади.

Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, баённомага бу ҳақда ёзиб қўйилади. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённоманинг мазмуни юзасидан баённомага илова қилинадиган тушунтириш ва мулоҳазаларини беришга, шунингдек, мазкур баённомага имзо чекишдан бош тортиш сабабларини баён этишга ҳақлидир.

Баённомани тузиш вақ-

тида ҳуқуқбузарга ушбу кодекснинг 294-моддасида назарда тутилган унинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади ва бу хусусда баённомага ёзиб қўйилади.

Юқоридаги талабларга риоя этилган ҳолда тузилганидан сўнг баённома бошқа ҳужжатлар ва иш бўйича ашёвий далиллар билан бирга ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган пайтдан бошлаб бир суткадан кечиктирмай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган орган (мансабдор шахс)га юборилади.

Хўш, баённомага айнанималар илова қилиниши лозим? Бу саволнинг жавоби ҳам ўз ўрнида кодексимизда мустақамланган бўлиб, унга кўра, Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага қуйидагилар илова қилинади:

1) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг кўчирма нусхаси;

2) ички ишлар органларининг маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг илгари маъмурий жавобгарликка тортилганлиги факти мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаси;

3) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтириши;

4) жабрланувчининг, гувоҳларнинг кўрсатмалари, экспертнинг хулосаси, агар улар мавжуд бўлса;

5) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги фактини тасдиқловчи бошқа материаллар.

Ушбу кодекснинг 52-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари қуйидагилар илова қилинади:

1) жабрланувчининг аризаси;

2) судга қадар тиббий экспертиза тайинланганлиги ҳақидаги қарор ва экспертларнинг хулосаси;

3) жиноят иши кўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарор.

Аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни кўришга ваколатли бўлган орган (мансабдор шахс)лар баённомага қўйилган талаблар ва унга илова қилинган ҳужжатлар рўйхатига алоҳида эътибор қаратмоғи лозим. Акс ҳолда, ишлар тўла ва ҳолисона кўриб чиқилишида баъзи бир муаммоларни вужудга келтиради.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга тайёрлаш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс) кодекснинг 303-моддасига мувофиқ ҳолда:

1) мазкур ишни кўриб чиқиш ўзининг ваколат доирасига кириш-кирмаслиги;

2) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар тўғри тузилган-тузилмаганлиги;

3) ишни кўриб чиқишда

қатнашувчи шахслар уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинган-қилинмаганлиги;

4) зарур қўшимча материаллар сўраб олинган-олинмаганлиги;

5) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс, жабрланувчи, қонуний вакиллар, адвокат қилган илтимослар тўғрисидаги масалаларни ҳал этади.

Агар маъмурий иш мазкур органга (мансабдор шахсга) тааллуқли бўлмаса ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаллари МЖтКнинг 281 ва 282-моддаларида назарда тутилган талаблар бузилган ҳолда юборилганлигини аниқласа, қандай йўл тутади? Албатта, бундай ҳолатда ишни кўраётган орган (мансабдор) шахс кодекснинг 303¹-моддасига мувофиқ, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаллари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузган органга (мансабдор шахсга) қайтаради.

Аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш жойи ҳақида айтадиган бўлсак, бу ҳам умумий қоидадан келиб чиққан ҳолда ўз ечимини топган. Яъни кодекснинг 304-моддасига мувофиқ, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш шу ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда кўриб чиқилади.

¹ МЖтК 244-модда 2-қ

Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишларни кўришда қонунчиликни қўллаш амалиёти ва ажримларнинг келиб чиқиш сабаблари

(фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилояти судлари мисолида)

Жамиятнинг бирламчи бўғини ҳисобланган оила инсонларнинг турмуш кечирish ва ҳаёт давомийлигини таъминлаш тарзи ҳисобланади. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган қимматли анъаналар: ҳалоллик, ростгўйлик, орномус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик ва шу каби бошқа инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланади.

Махлиё УСМОНОВА,
мустақил изланувчи

Ўзбек халқининг ўзига хослиги, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган урф-одат ва анъаналаримиз, кадриятларимизга бўлган ҳурмат ва ишонч рамзи сифатида Конституциямизга "Оила" деб номланган алоҳида боб киритилиб, унинг 63-моддасида оила жамиятнинг асосий бўғини, у жамият ва давлат муҳофазасида эканлиги қатъий кафолатлаб қўйилган.

Шунингдек, оилавий муносабатларни тартибга солувчи яна бир муҳим ҳуқуқий ҳужжатлардан бири — Оила кодексига ҳам оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясида эканлиги ҳақидаги қоида мустаҳкамланган.

Мамлакатимизда оилаларни мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, нотинч оилаларда соғлом муҳитни барқарорлаштириш мақсадида, кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан оилавий ажримларнинг олдини олиш, оилаларни мустаҳкамлаш ва бу борада яраштириш комиссиялари фаолияти самарадорлиги ошириш тўғрисида имзоланган Меморандумга мувофиқ фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилояти судлари томонидан туман, шаҳар Хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорликда фуқаролар ўртасида оилавий ажримларнинг олдини олиш, оилаларни мустаҳкамлаш борасида муайян ишлар амалга оширилиши натижасида никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар ҳажми

йилдан-йилга камайишига эришилмоқда.

Масалан, фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилояти судлари томонидан 2019 йилнинг ўтган 9 ойи давомида жами 13 413 та фуқаролик иши кўрилган бўлиб, уларнинг 2 944 таси ёки 21,9 фоизини никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар ташкил қилади. 2018 йилнинг шу даврида эса, никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар 3 346 тани ташкил этган. Бундан кўришиб турибдики, 2019 йилда никоҳдан ажратиш ҳақидаги кўрилган ишлар 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 402 тага ёки 12,1 фоизга камайган. 2019 йилда кўрилган ишлардан 1493 тасида даъво қаноатлантирилган, 1232 тасида даъво рад қилинган, 70 таси бўйича иш юритиш тугатилган ва 149 та даъво кўрмасдан қолдирилган.


Бу ишларнинг судлар кесими бўйича тақсимооти қуйидаги жадвалда келтирилган.

Судлар номи	Кўрилган ишлар	Шундан				
		Ҳал қилув қарори чиқарилган	Шундан		Иш юритиш тугатилган	Даъво кўрмасдан қолдирилган
			Қаноатлантирилган	Рад қилинган		
ФИБ Фарғона вилоят суди	38	38	29	9	-	-
ФИБ Фарғона туманлараро суди	873	775	377	398	21	77
ФИБ Қўқон туманлараро суди	750	707	399	308	14	29
ФИБ Марғилон туманлараро суди	402	384	187	197	9	9
ФИБ Риштон туманлараро суди	468	437	276	161	11	20
ФИБ Ўзбекистон туманлараро суди	413	384	225	159	15	14
ЖАМИ	2944	2725	1493	1232	70	149

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят судларида никоҳдан ажратиш ҳақида кўрилган ишларнинг аксарият қисми Фарғона туманлараро судига (29,6 фоиз) ва Қўқон туманлараро судига (25,4 фоиз) тўғри келмоқда. Шу билан бирга, никоҳдан ажратиш ҳақида кўрилган ишларнинг 15,8 фоизи Риштон туманлараро судида, 14,1 фоизи Ўзбекистон туманлараро судида ва 13,6 фоизи Марғилон туманлараро судида кўрилган.

Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят судларида никоҳдан ажратиш бўйича қаноатлантирилган ишларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, Фарғона туманлараро суди ва Қўқон туманлараро судларида қаноатлантирилган ишлар шу турдаги жами ишларнинг 25 ва 27 фоизини, Риштон туманлараро судида 18 фоизини ва Ўзбекистон туманлараро судида эса, 15 фоизини ташкил этади.

ФИБ Фарғона вилояти судларида никоҳдан ажратиш бўйича кўрилган ишларнинг ФИБ туманлараро судлар кесимида тақсимланиши (2020 й. 9 ойи учун, фоиз ҳисобида)



Шундай бўлса-да, айрим туман, шаҳарларда ҳанузгача никоҳдан ажратиш билан боғлиқ кўрилатган фуқаролик ишлари кўлами юқориликча қолмоқда. Бундай низоларни ҳуқуқий таъсир чоралари билан камайтириш мураккаб масала ҳисобланиб, бугунги кунда никоҳдан ажратиш билан боғлиқ кўрилатган ишлар сони ортиши ҳуқуқий асосларнинг камлигини эмас, балки ижтимоий омилларнинг таъсири юқори эканлигини, жумладан, ёш эр ва хотиннинг оила қуришга моддий, ахлоқий, жисмоний жиҳатдан тайёр эмаслиги, оиланинг муқаддас даргоҳ эканлигини ҳис қилмай туриб, ўйла-масдан никоҳ муносабатларига киришиш, натижада улар ўртасидаги характерлар-

нинг тўғри келмаслиги каби сабабларни кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, ушбу соҳада бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги ислохотларни тўлиқ рўёбга чиқаришга ва белгиланган мақсадларга эришишга тўсқинлик қилмоқда. Чунончи, оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги илмий тадқиқотлар ихтисослиги тор, ҳозирги ҳаёт воқелигидан узилиб қолган, илмий тадқиқотлар натижалари амалиётга суи жорий этилмоқда; оиланинг демографик ривожланишида ўзгаришлар юз бермоқда, оилавий ажралишлар сони ўс-моқда, мазкур соҳада салбий тенденция ва муаммолар сабабларини асословчи тадқиқотлар етишмаяпти; оила институтини мустаҳкамлашнинг қонунчилик асослари мукамал эмас, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва илғор хориж амалиётини ўрганиш асосида оилани ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш соҳасида мустаҳкам ҳуқуқий асос мавжуд эмас.¹

Яна шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда жамиятимизда ота-оналар, қариндош-уруғларнинг ёш эр ва хотиннинг никоҳ қуришларига аралашуви, уларнинг эрки ва ихтиёрини ўзларига ҳавола қилмаслик ҳолатларининг мавжудлиги муаммоликча қолмоқда. Ваҳоланки, Конституциямизнинг 63-моддасида никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланиши назарда тутилган.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги "Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги қарори 14-бандига кўра, никоҳдан ажратишга доир ишлар бўйича қонуний ва асосли ҳал қилув қарори қабул қилиниши учун суд ишнинг ҳақиқий ҳолатларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқиши, жумладан, эр-хотин ўртасидаги ўзаро муносабатлар хусусиятини, никоҳдан ажратиш масаласи қўйилишига асос бўлган сабаблар, эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликнинг асл сабабларини аниқлаши шарт. Шу масалаларда суд ишни иккала тараф иштирокида кўриши лозим.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларнинг кўрилиши бошқа яна 15 турдаги фуқаролик низоларининг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бундай низолар қаторига алимент ундириш, моддий таъминот ундириш, болани олиш, бола билан кўришиш тартибини белгилаш, оталикни белгилаш, уйга киритиш, уйдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ва бошқа низоларни киритиш мумкин.

ФНБ Фарғона вилояти судларида никоҳдан ажратиш бўйича кўрилган ишларда никоҳдан ажратиш сабабларининг тақсимланиши (2020 й. 9 ойи учун, фонд ҳисобода)



Фарғона вилоят фуқаролик ишлари бўйича судларида 2019 йил 9 ойи ўтказилган таҳлиллар никоҳдан ажратишга қуйидаги сабаб ва омиллар асос бўлаётганини кўрсатмоқда:

- 995 та ёки 33,7 фоиз — характери тўғри келмаганлиги сабабли;
- 595 та ёки 20,2 фоиз — тарафлардан бири ёки ҳар иккала томон бошқа оила қуриб кетганлиги сабабли;
- 300 та ёки 10,1 фоиз — узоқ вақтдан буён бирга яшамасликлари сабабли;
- 220 та ёки 7,5 фоиз — ота-она ёки бошқа шахсларнинг аралашуви сабабли;
- 100 та ёки 3,3 фоиз — тарафлардан бирининг ишлаш учун республикадан четга чиқиб кетгани сабабли;
- 55 та ёки 1,8 фоиз — спиртли ичимлик истеъмол қилиш сабабли;
- 45 та ёки 1,5 фоиз — ўртада фарзанд йўқлиги сабабли;
- 5 та ёки 0,1 фоиз — узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилингани сабабли;
- 627 та ёки 21,2 фоиз — бошқа сабабларни ташкил қилади (моддий қийинчилик, хиёнат, жанжал, касаллик ва ҳ.к.).

Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилояти судларида никоҳдан ажратиш бўйича кўрилган ишлардан баъзиларини мисол сифатида келтириш мумкин.

Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона ту-

манлараро суди томонидан 2019 йил 23 октябрь куни кўриб, тамомланган даъвогар Б.Ф.нинг жавобгар Б.Ў.га нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақидаги фуқаролик ишида даъвогар вакили сифатида сўралган даъвогарнинг онаси даъвони қувватлаб, тарафлар қонуний никоҳдан ўтган ҳолда турмуш қурганлари, турмушлари давомида икки нафар вояга етмаган фарзандлари борлиги, улар 3 ойдан буён бирга яшамаётганлари, уларнинг ажралишларига жиддий сабаб йўқлиги, ўғли Россия Федерациясига ишлаш учун кетиб, у ердан қарздор бўлиб келгани, жавобгар эса, уни ҳурмат қилмагани, хизматини ҳам қилмагани, жавобгардан фақатгина уйларни тоза тутишини талаб қилгани, у буни нотўғри тушуниб, ота уйига кетиб қолгани, оилани тиклаш учун ҳаракат қилгани, лекин ўғли жавобгар билан яшашни хоҳламасдан кетиб қолгани, ўртада мулкий низо йўқлигини билдириб, даъвони қаноатлантиришни сўраган.

Суд мажлисида жавобгар сифатида сўралган Б.Ў. даъвони тан олиб, даъвогар билан қонуний никоҳдан ўтган ҳолда турмуш қурганлари, турмушлари давомида икки нафар вояга етмаган фарзандлари борлиги, улар 3 ойдан буён бирга яшамаётганлари, иккинчи фарзанди инжиқ бўлгани сабабли, даъвогар Россия Федерациясидан келганида, унга етарли эътибор бера олмагани, асосан, қайнсинглиси билан муносабати яхши бўлмагани, турмуш ўртоғи шу синглисини деб унга қўл кўтаргани, шу боисдан, ундан кўнгли совиб кетгани, оилани тиклаш нияти йўқлиги, ўртада мулкий низо йўқлигини билдириб, даъвони қаноатлантиришни сўраган.

Суд иш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатларни ўрганиб, тарафларнинг тушунтиришларини тинглаб, даъво қўзғатилишига асос бўлган ҳақиқий ҳолатларни текшириб, қуйидаги асосларга кўра, даъвони рад қилишни лозим топган.

Турмушда кечадиган вақтинчалик келишмовчиликлар ва тасодифий сабабларга кўра, эр-хотин ўртасида келиб чиққан ихтилофлар, шунингдек, эр-хотиндан бирининг ёки ҳар иккаласининг жиддий вазлар келтирмаган ҳолда никоҳ муносабат-

ларини давом эттиришни хоҳламаслиги никоҳдан ажратиш учун етарли асос бўла олмайди.² Суд аниқлаган ҳолатларга кўра, даъвогарнинг никоҳдан ажралишга асос сифатида келтирган важларининг барчаси жавобгар билан ўзаро муносабатлари билан боғланган, у ўзининг талабини чуқур мулоҳаза қилмаган ҳолда, жиддий бўлмаган хулосаларга асосланиб, баён қилган. Уларнинг ўртасида никоҳдан ажратишга сабаб бўладиган жиддий келишмовчиликлар мавжуд бўлмаган. Тарафлар ўртасидаги никоҳдан ажратиш ҳақидаги мазкур иш кўрилишида даъвогар шахсан иштирок этмаган. Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги "Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги қарори 14-банд талабига биноан, даъвогар судда шахсан иштирок этиши, оиланинг тақдирини ўзи ҳал этиши мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган.

Суд тарафларнинг ўзаро муносабатлари, ишнинг ҳолатларини муҳокама қилиб, тарафлар ўртасидаги келишмовчилик вақтинчалик характерга эга ва даъвони қаноатлантириш, никоҳдан ажратиш учун етарли ҳолатлар мавжуд эмас, деб ҳисоблаган. Шунингдек, суд тарафлар ўртасида икки нафар фарзанд борлигини ва улар келажақда яхши тарбия топиб, вояга етиши учун ота-онанинг биргаликдаги тарбияси зарур деб ҳисоблаган ҳамда ишдаги аниқланган ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда даъвогарнинг даъвосини асоссиз деб топиб, қаноатлантиришдан рад қилишни лозим топган.

Бу каби ҳолатларни судлар амалиётида кўплаб учратиш мумкин. Эр ва хотиннинг арзимаган сабаблар билан муросага кела олмаслиги, ўртадаги фарзандлар тақдирига бефарқ бўлган ҳолда шошма-шошарлик билан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризаси билан судларга мурожаат қилишлари ачинарли ҳолдир.

Шу сабабли маҳалла фуқаролар йиғинларида, Олий таълим муассасалари, академик лицей ва ўрта махсус касб-хунар коллежларида хотин-қизлар кўмиталари ва "Оила" илмий-амалий марказлари билан ҳамкорликда никоҳ тушунчаси ҳақида

давра суҳбатлари ва учрашувларни мунтазам ўтказиб, оиланинг нақадар муқаддас даргоҳ эканлиги, ёшларни келажақда оила қуришга бўлган масъулиятини ошириш ва бу борадаги давлат сиёсати ва қонунчилик тўғрисида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб бориш бўйича чуқурлаштирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жамиятимизда оилавий ажримларнинг олдини олишга қаратилган қуйидаги таклифларни билдиришни лозим топдик:

биринчидан, оила-никоҳ масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига вояга етмаган фарзандлар ҳуқуқлари ва манфаатлари устунлигини асосий принцип сифатида татбиқ этиш. Негаки, оилавий ажримлар орқасида ёш авлод — фарзанд тарбияси, уларнинг келажаги мужассам эканлигини унутмаслик лозим;

иккинчидан, оила-никоҳ муносабатлари ва бунда ота-она масъулияти масалаларида аҳолининг ҳуқуқий, психологик маданиятини ошириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирларни амалга ошириш;

учинчидан, оилавий муаммоларни ўрганиш бўйича минтақавий марказлар ва психологик ёрдам тизимини ташкил этиш;

тўртинчидан, оилавий низоларни ҳал қилишнинг судгача механизминини мукамал тарзда жорий этиш, махсус воситачи — медиатор иштирокида эр ва хотинни яраштириш институтини янада такомиллаштириш.

Бу таклифларни амалга жорий қилиш оилавий низоларнинг камайишида, вояга етмаганлар ўртасида психологик таъсир натижасида юзага келаётган ҳуқуқбузарликларнинг олди олинишида ўз самарасини беради, деган умиддамиз. Зотан, оила — муқаддас даргоҳ экан, унинг мустаҳкам ва барқарорлигини таъминлашда ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз шарт.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги 27.06.2018 йилдаги ПҚ-3808-сонли қарори

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги 20.07.2011 йил кунги 6-сонли қарорининг 16-банди

Судьялар олий малака ҳайъатининг судьяларга малака даражалари бериш тўғрисидаги қарори

2020 йилнинг биринчи ярим йили

№5/2020

БЮЛЛЕТЕНЬ Верховного суда Республики Узбекистан

№	Ф.И.Ш.	Лавозими	Малака даражаси ва берилган сана
1	Раҳманкулов Илҳомжон Ҳақимович	Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси	14.05.2020 йил 2 малака даражаси
2	Ташев Ашурали Ақтамевич	Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг судьяси	14.05.2020 йил 3 малака даражаси
3	Маликов Муҳиддин Абдиҳомидович	Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туман судининг раиси	14.05.2020 йил 3 малака даражаси
4	Ҳомидов Анвар Дониёрович	Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят судининг судьяси	14.05.2020 йил 3 малака даражаси
5	Бекманов Аскар Танирбергенович	Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судининг судьяси	14.05.2020 йил 3 малака даражаси
6	Досимбетов Бекбаули Кутлибаевич	Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туман маъмурий судининг раиси	14.05.2020 йил 4 малака даражаси
7	Муратов Довран Джумагелдиевич	Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти Урганч туман судининг судьяси	14.05.2020 йил 4 малака даражаси
8	Сарибоев Санджар Абдувалиевич	Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти Сирдарё туман судининг судьяси	14.05.2020 йил 4 малака даражаси
9	Турдимуратов Жаҳонгир Нарзикулович	Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти Сардоба туман судининг раиси	14.05.2020 йил 4 малака даражаси
10	Очилов Шерали Абдусаломович	Фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти Кармана туманлараро судининг судьяси	14.05.2020 йил 4 малака даражаси
11	Ҳамидов Акбар Бекназарович	Навоий вилояти Зарафшон туманлараро иқтисодий судининг раиси	14.05.2020 йил 4 малака даражаси
12	Худойбердиев Жасурбек Жўраевич	Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг судьяси	14.05.2020 йил 4 малака даражаси
13	Раҳматов Аббос Авазбекович	Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти Денов туман судининг судьяси	14.05.2020 йил 4 малака даражаси
14	Мирзаев Абдусалом Курбанпулатович	Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти Сариосиё туман судининг раиси	14.05.2020 йил 4 малака даражаси
15	Хидиров Камолитдин Хожаназарович	Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти Ангор туман судининг раиси	14.05.2020 йил 4 малака даражаси
16	Аликулов Аъзамберди Холматович	Сурхондарё вилояти Шеробод туман маъмурий судининг раиси	14.05.2020 йил 4 малака даражаси
17	Бобомуратова Нилуфар Сайпитдиновна	Сурхондарё вилояти Ангор туман маъмурий судининг раиси	14.05.2020 йил 4 малака даражаси
18	Эронкулов Отабек Мамаюсуфович	Сурхондарё вилояти Денов туман маъмурий судининг раиси	14.05.2020 йил 4 малака даражаси
19	Қадилов Собиржон Қахраманович	Сурхондарё вилояти Бойсун туман маъмурий судининг раиси	14.05.2020 йил 4 малака даражаси
20	Жураева Дилфуза Рузимуратовна	Фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судининг судьяси	14.05.2020 йил 4 малака даражаси
21	Набиев Хусан Халикович	Сирдарё вилоят Гулистон туманлараро иқтисодий судининг судьяси	14.05.2020 йил 4 малака даражаси
22	Шарипов Азизжон Собирович	Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти Гиждувон туманлараро судининг судьяси	14.05.2020 йил 5 малака даражаси
23	Сатторова Гулсара Рустамовна	Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти Гиждувон туманлараро судининг судьяси	14.05.2020 йил 5 малака даражаси
24	Адилова Маржангул Елмуратовна	Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судининг судьяси	14.05.2020 йил 5 малака даражаси

25	Абдижемилова Шолпанай Абдикаликовна	Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманлараро иқтисодий судининг судьяси	14.05.2020 йил 5 малака даражаси
26	Худаяров Шухрат Тўйчиевич	Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят судининг судьяси	22.05.2020 йил 2 малака даражаси
27	Ахмедов Бахриддин Ҳошимович	Қашқадарё вилояти Ғузор туман маъмурий судининг раиси	22.05.2020 йил 3 малака даражаси
28	Караманов Валишер Жуманазарович	Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туман маъмурий судининг раиси	22.05.2020 йил 3 малака даражаси
29	Торebaев Бахтияр Оринбаевич	Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туман маъмурий судининг раиси	22.05.2020 йил 3 малака даражаси
30	Сангиров Нодирбек Рахмон ўғли	Жиззах вилояти Пахтакор туман маъмурий судининг раиси	22.05.2020 йил 4 малака даражаси
31	Тўйчиев Акбар Нуриддинович	Жиззах вилояти Зафаробод туман маъмурий судининг раиси	22.05.2020 йил 4 малака даражаси
32	Халитова Луиза Иршатовна	Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилояти Фориш туман судининг раиси	22.05.2020 йил 4 малака даражаси
33	Ҳакимов Тулқинжон Эркинович	Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилояти Дўстлик туманлараро судининг судьяси	22.05.2020 йил 4 малака даражаси
34	Қодиров Алибек Давронович	Қашқадарё вилояти Қарши туманлараро иқтисодий судининг судьяси	22.05.2020 йил 4 малака даражаси
35	Рахимов Давлат Давронович	Қашқадарё вилояти Чироқчи туман иқтисодий судининг судьяси	22.05.2020 йил 4 малака даражаси
36	Мирзаев Отабек Ибрагимович	Қашқадарё вилояти Касби туманлараро иқтисодий судининг судьяси	22.05.2020 йил 4 малака даражаси
37	Мауленов Оразбай Жумабаевич	Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Эллиқалъа туман судининг раиси	22.05.2020 йил 4 малака даражаси
38	Сражатдинов Даулетияр Жангабаевич	Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг судьяси	22.05.2020 йил 4 малака даражаси
39	Аймаганбетова Жанат Бисенбаевна	Қорақалпоғистон Республикаси Қонликўл туман маъмурий судининг раиси	22.05.2020 йил 4 малака даражаси
40	Абдуқодиров Шерзод Ёқубжонович	Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг судьяси	15.06.2020 йил 1 малака даражаси
41	Султанова Муяссар Қаххаровна	Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят судининг судьяси	15.06.2020 йил 2 малака даражаси
42	Суванкулов Фазлиддин Юлдашевич	Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти Мирзаобод туман судининг раиси	15.06.2020 йил 3 малака даражаси
43	Эргашев Алишер Зайнуллаевич	Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг судьяси	15.06.2020 йил 3 малака даражаси
44	Алмаматов Темур Куйлибаевич	Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти Каттақўрғон туман судининг раиси	15.06.2020 йил 3 малака даражаси
45	Келдиярова Хулкар Худояровна	Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти Пайариқ туман судининг судьяси	15.06.2020 йил 3 малака даражаси
46	Каюмов Ҳамиджон Журакулович	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Зангиота туманлараро судининг раиси	15.06.2020 йил 3 малака даражаси
47	Аяпов Абатбай Конысбаевич	Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича судининг судьяси	15.06.2020 йил 3 малака даражаси
48	Алманов Икрам Эсанович	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси	15.06.2020 йил 3 малака даражаси
49	Ражабов Феруз Фахриддинович	Бухоро вилоят иқтисодий судининг судьяси	15.06.2020 йил 3 малака даражаси

50	Бобоназаров Музаффар Абдушарипович	Хоразм вилоят иқтисодий судининг судьяси	15.06.2020 йил 3 малака даражаси
51	Аллаберганова Нилуфар Атамуратовна	Хоразм вилояти Урганч туманлараро иқтисодий судининг раиси	15.06.2020 йил 3 малака даражаси
52	Разов Даулетбай Женисбаевич	Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Қўнғирот туман судининг раиси	15.06.2020 йил 3 малака даражаси
53	Мелиханова Маърифат Кадирхоновна	Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти Наманган туманлараро судининг судьяси	15.06.2020 йил 4 малака даражаси
54	Исакулов Санжар Турдикулович	Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар маъмурий судининг раиси	15.06.2020 йил 4 малака даражаси
55	Арипов Махмуд Умутович	Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти Қоровулбозор туман судининг раиси	26.06.2020 йил 3 малака даражаси
56	Азизов Иқболжон Гулямович	Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят судининг судьяси	26.06.2020 йил 3 малака даражаси
57	Боймуродов Қахрамон Холмирзаевич	Фуқаролик ишлари бўйича Қашқаларё вилоят судининг судьяси	26.06.2020 йил 3 малака даражаси
58	Жураев Бехзод Хамидович	Самарқанд вилояти Пайариқ туманлараро иқтисодий судининг судьяси	26.06.2020 йил 4 малака даражаси
59	Кувватов Сирожиддин Эргашевич	Самарқанд вилояти Жомбой туманлараро иқтисодий судининг судьяси	26.06.2020 йил 4 малака даражаси

Реализация предварительного слушания дела: понятие, структура и процессуальная форма

Сегодня во всем мире наблюдается тенденция усиления гарантий надежной защиты прав и свобод человека, что требует налаживания современной и эффективной системы отправления правосудия. Возрастает необходимость дальнейшего осуществления конструктивных и поэтапных мер по совершенствованию организационно-правовых механизмов обеспечения судебной защиты прав, свобод и интересов личности. В частности, особое значение приобретает поиск решений проблем норм законодательства и практики их применения, касающихся внедрения эффективных и оптимальных механизмов назначения дела к судебному разбирательству, которые призваны обеспечить экономию времени и усилий суда, правоохранительных органов и граждан, а также процедур, направленных на своевременное восстановление нарушенных прав и обеспечение верховенства закона, дальнейшей демократизации и либерализации судебной правовой системы.

Сурайё РАХМОНОВА,

*Заведующая кафедрой Уголовного права
Высшей школы судей При Высшем
судейском совете Республики Узбекистан,
доктор юридических наук, доцент*

В стране осуществлены меры по реформированию судебной системы, усилению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан. Так, была принята Концепция совершенствования Уголовного и уголовно-процессуального законодательства, посредством эффективной реализации которой намечена выработка кардинально новых идей и задач уголовно-правовой политики государства, а в частности, внедрение новых форм и процедур уголовного судопроизводства, в том числе, реформирование этапа назначения уголовного дела к судебному разбирательству путем внедрения института предварительного слушания на основе обеспечения принципа состязательности сторон.

Рассматривая оптимальную конструкцию, предлагаемого предварительного слушания, следует спроектировать основные процедурные этапы и содержание данного института.

Прежде всего следует иметь в виду, что ни одно из оснований проведения предварительного слушания не связано

и не может быть связано с существом уголовного дела (вопросами события преступления, его состава, виновности, наказания и т.п.), так как в стадии подготовки к судебному разбирательству рассмотрение каких-либо вопросов существа уголовного дела исключено (для этого существует судебное разбирательство).

При анализе оснований проведения предварительного слушания следует отталкиваться от фундаментального постулата о том, что после поступления уголовного дела в суд каждая из сторон имеет безусловное право непосредственно обратиться к суду и высказать свою точку зрения по любому интересующему ее вопросу, касающемуся этого уголовного дела. В большинстве случаев данное право обеспечивается уже в стадии судебного разбирательства, где сторонам представляется возможность заявлять ходатайства, выступать в судебных прениях, высказывать свое мнение по каждому обсуждаемому вопросу и др.

Именно поэтому не является ограничением прав сторон "общий порядок" назначения судебного разбирательства (кабинетная форма без специального заседания), где судья не заслушивает стороны и даже не встречается с ними

непосредственно, поскольку за "общим порядком" непременно последует судебное разбирательство, в рамках которого стороны полноценно и реализуют свое право на непосредственный доступ к судье. Из этого вытекает, что "общий порядок" допустим лишь в тех ситуациях, когда по делу будет проводиться судебное разбирательство, т.е. в общем порядке можно принять только решение о назначении судебного разбирательства и никакое другое.

Обратимся к статистике. В 2010 году в судебных заседаниях были прекращены 21 419 уголовных дел в отношении 27 405 лиц. В 2017 году же 11 082 уголовных дела в отношении 12 228 лиц были прекращены судами производством.¹ Таким образом, и здесь наблюдается снижение показателей почти в 2 раза. Однако если обратить внимание на то, что прекращение уголовного дела в судебном заседании по своей сути предполагает окончание производства главным образом, без решения вопроса о виновности, этот показатель несомненно до сих пор внушительен. Тогда как на стадии назначения дела к судебному разбирательству судья, процессуально обладая полномочием прекратить уголовное дело, реальных инструментов для этого не имеет. Из-за отсутствия возможности конструктивного разрешения вопросов есть ли основания прекращения уголовного дела, судья вынужденно назначает дело к судебному разбирательству заведомо зная, что в судебном заседании он прекратит его производством.

То есть, концепция "предания суду судебной властью", которой придерживается отечественный правопорядок, исключает, как отмечалось выше, автоматическое проведение судебного разбирательства по каждому поступившему в суд делу. Соответственно, в данной стадии возникают иные варианты движения уголовного дела, либо вовсе не предполагающие дальнейшее судебное разбирательство, либо откладывающие его на неопределенный срок: прекращение уголовного дела, его приостанов-

ление, возвращение прокурору и т.п. Но если бы судья имел возможность принимать "в кабинетной форме" и без участия сторон решения о движении уголовного дела по "иному" пути, то это приводило бы к ситуации, когда сторона оказывалась бы лишена возможности обратиться к суду и изложить ему свои аргументы, что категорически недопустимо.² Поэтому и возникает потребность сконструировать особую процедуру предварительного слушания дела именно для тех случаев, когда по инициативе суда или по инициативе сторон обсуждается вопрос о невозможности проведения судебного разбирательства и необходимости принятия решения о приостановлении дела, его возврате в предыдущую стадию или даже о полном прекращении.

Здесь мы сталкиваемся с системообразующими основаниями предварительного слушания, объективно предопределившими саму процессуальную неизбежность появления данного института. Таких оснований следует выделить четыре, и они связаны с наличием оснований для:

- 1) возвращения уголовного дела прокурору;
- 2) приостановления уголовного дела;
- 3) прекращения уголовного дела;
- 4) выделения иного уголовного дела из первоначально поступившего в суд.

Естественно, что по итогам предварительного слушания и с учетом мнения сторон либо дело будет прекращено, приостановлено и т.п. и назначит все-таки судебное разбирательство.

Однако основания проведения предварительного слушания не всегда связаны с гипотетической невозможностью назначения судебного разбирательства и необходимостью рассмотрения вопроса об "иных" направлениях движения уголовного дела.

В некоторых случаях хотя наличие оснований для назначения судебного разбирательства никем под сомнение не ставится, тем не менее могут возникнуть основания для проведения предварительного слушания.³ Процессуальная

природа таких оснований предварительного слушания неоднородна, т.е. здесь нет единого критерия, который привел бы к необходимости проведения предварительного слушания, в связи с чем, круг подобных оснований не является стабильным, иногда, расширяясь, иногда сужаясь.

Во-первых, речь идет о случаях, когда предварительное слушание необходимо для окончательного решения вопроса о тех процессуальных формах, в которых пройдет судебное разбирательство.

При каких основаниях возникает необходимость проведения предварительного слушания?

К примеру, для решения вопроса о проведении судебного разбирательства в отсутствие подсудимого (заочное судебное разбирательство) по делам о тяжких и особо тяжких преступлениях, если подсудимый находится за пределами территории страны, уклоняется от явки в суд и не был привлечен к ответственности за соответствующее преступление на территории иностранного государства.

Во-вторых, особое место занимает такое основание проведения предварительного слушания, как заявление стороной ходатайства об исключении из материалов уголовного дела того или иного доказательства. Данное основание лежит в рамках логики доказательственного права и связано с появлением особых процедур признания доказательств недопустимыми, в связи с чем законодатель стремится вынести эти процедуры за скобки стадии судебного разбирательства, дабы не разрушать структуру последней. Впрочем, к более подробному анализу этого основания предварительного слушания мы еще вернемся далее.

В-третьих, появление любого процессуального института часто приводит к тому, что законодатель начинает его "нагружать" дополнительными и часто сугубо техническими функциями, которые не охватывались изначальной логикой соответствующего института. Не-

что подобное произошло с институтом предварительного слушания, в результате чего, среди оснований его проведения можно теперь найти и те, которые следует понимать в плоскости не столько уголовно-процессуального, сколько материального уголовного права. Так, в случае, если лицо приговорено к условному осуждению и совершило новое преступление, суд рассматривает вопрос об отмене условного осуждения, а иногда обязан его отменить (ст. 536 УПК). При этом "судебное разбирательство в отношении нового преступления может состояться только после вступления приговора, предусматривающего условное осуждение, в законную силу" (ст. 535 УПК). Соответственно, если первый приговор, предусматривающий условное осуждение, в законную силу еще не вступил (допустим, обжалован в апелляционном порядке), то суд, в чье производство поступило дело о новом преступлении, должен провести предварительное слушание, чтобы отложить назначение судебного заседания и дожидаться вступления в законную силу первого приговора.

Что касается содержания соответствующих оснований проведения предварительного слушания, следует отметить, что отдельного подробного анализа требует именно основание, предусматривающее ходатайства об исключении доказательств. Во-первых, такой анализ необходим в силу особой важности и сложности проблемы. Во-вторых, это основание по своему содержанию специфично именно для стадии подготовки к судебному разбирательству, поскольку нигде более в уголовном процессе оно не встречается и не применяется.

На наш взгляд, изучая материалы поступившего в суд уголовного дела, судья, прежде всего, решать вопрос о единой форме подготовки данного дела к судебному заседанию или о необходимости назначения по данному делу предварительного слушания. При этом не только объективное различие в сути оснований для принятия решения

о назначении слушания обуславливает в итоге характер действий и решений судьи, разрешающего этот вопрос, но и во многом субъективный (личностный) момент принятия такого решения.

Решение о назначении предварительного слушания должно быть принято, как по инициативе заинтересованных в этом сторон, которые соответственно вправе вносить подобное ходатайство в суд, так и по личной инициативе судьи, пришедшего к (субъективному) выводу о наличии юридических оснований (поводов) для внесения данного дела в судебное заседание.

В первом случае, суду, по идее, достаточно наличия формального ходатайства заинтересованных лиц, указывающих на юридический повод для принятия такого решения, и наличия в данном ходатайстве (или в самих материалах дела) хотя бы минимальной мотивировки, подтверждающей обоснованность данного притязания сторон. Говоря о внесении данного ходатайства в суд, мы естественно понимаем под данным решением, как его формулирование заинтересованными лицами при ознакомлении с материалами уголовного дела (ч. 2 ст. 376 УПК), так и заявление данного ходатайства призваны обосновать перед судом законность и обоснованность своих притязаний и объективное наличие тех или иных обстоятельств, имеющих значение для правильного разрешения дела, суд в названной ситуации вправе ограничиться изучением лишь тех обстоятельств дела, которые также могут быть (дополнительным) поводом для проведения названных слушаний и требуют своего внесения в данное заседание для состязательного их обсуждения сторонами и судом. Остальные вопросы, требующие своего изучения и разрешения на этом этапе, вполне могут найти свое разрешение как в ходе подготовки к указанным слушаниям, так и непосредственно в рамках судебного заседания.

Во втором случае, еще до разрешения вопроса о надлежащей форме назначения дела к судебному заседанию,

судья обязан самостоятельно оценить, как доказательства, собранные следственными органами, включая процессуальную форму их получения, так и (надлежащую) форму самого предварительного расследования, с тем, чтобы (в итоге):

- согласиться или не согласиться с процессуальной формой, содержанием и итоговыми выводами обвинительного заключения (акта);

- признать правильным или неправильным (незаконным) применение к обвиняемому меры пресечения заключение под стражу или домашний арест;⁴

- внести на обсуждение сторон вопрос о (возможном) исключении отдельных (или системы) доказательств по делу по признаку их явной недопустимости для процесса доказывания.⁵

- поставить на обсуждение сторон вопрос о наличии оснований для временного приостановления производства по делу или для полного его прекращения, либо для прекращения уголовного преследования в отношении отдельных из обвиняемых;

- решить вопрос о наличии юридических оснований для возвращения данного дела прокурору, с целью устранения объективных и неустранимых на данном этапе препятствий к его рассмотрению и разрешению по существу.

В итоге, структурно и содержательно процессуальная форма реализации предварительных слушаний, предмет и пределы проверки и оценки суда на этом этапе, могут быть объективно различны в зависимости от юридических, и неразрывно связанных с ними фактических, оснований, которые повлекли назначение данного заседания.

Сказанное, не может быть отнесено к центральной части подобного заседания, — судебному следствию, - дифференциация процессуальной формы которого (последовательности и содержания действий и решений суда и сторон) напрямую зависит, с одной стороны, от сути и содержания юридических и фактических оснований, послуживших поводом для назначения данного засе-

дания; с другой стороны, непосредственно от сути действий, заявлений и ходатайств сторон, предъявляемых к суду уже в ходе самого судебного заседания, реализуемого по правилам предварительных слушаний.

Именно эти два основополагающих фактора в конечном итоге и формируют конкретную процессуальную форму судебного следствия в рамках предварительного слушания, реализуемого по объективно различным основаниям его назначения; наполняют конкретным содержанием порядок действий и решений суда и сторон, последовательно реализуемых ими в этой центральной части судебного заседания. Частности, конечно, возможны и здесь, но они в принципе не должны подменять собой суть (основу) той идеальной модели, которая должна быть оптимальной для разрешения тех спорных моментов, которые послужили (юридическим и фактическим) основанием для этой формы назначения и подготовки уголовного дела к судебному заседанию, как единственно возможной и признаваемой законом.

Безусловно, должны иметь место в ходе предварительных слушаний и элементы судебных прений, содержанием которых должен стать итоговый анализ сторонами тех обстоятельств, доводов и аргументов, которые были предметом непосредственного исследования суда и сторон в указанном заседании; по мнению выступающих нашли свое подтверждение в ходе судебного следствия и, соответственно, должны послужить объективной основой для вынесения судом законного и обоснованного решения.

Таким образом, положив в основу дифференциации те юридические факты, которые могут послужить юридичес-

ким основанием для назначения предварительных слушаний, в качестве непосредственного предмета научного и практического анализа, следует выделить следующие, относительно самостоятельные, формы реализации предварительных слушаний:

1) Предварительные слушания, имеющие своей целью решение вопроса о допустимости доказательств, поставленных под сомнение соответствующей инициативой сторон или личной инициативой суда;

2) Предварительные слушания, связанные с исследованием наличия оснований для возвращения уголовного дела прокурору;

3) Предварительные слушания, предметом которых является вопрос о возможности прекращения дела или его временного приостановления;

5) Предварительные слушания для решения вопроса о применении на данном этапе меры пресечения (заключение под стражу или домашний арест) в отношении обвиняемого, дело которого внесено в суд.

Исследование данного института показывает, что возможно, перспективы предварительных слушаний явит проблемы или примеры и иного порядка, поставит новые вопросы по поводу оптимальности реализации рассмотренных нами процедур или, напротив, "подскажет" уже апробированные действующей практикой варианты их оптимального разрешения. Предпринятый выше анализ, это лишь постановка проблемы в изучении и объективно необходимом совершенствовании нового, по сути, и форме уголовно-процессуального института, еще не действующего в национальном законодательстве, не раскрывшего свой нормативный и социальный потенциал.

¹ Материалы обобщения судебной статистики и судебной практики Верховного суда Республики Узбекистан за 2010-2018 гг.

² Допустим ситуацию, когда, например, потерпевший спокойно готовится к судебному разбирательству и вдруг узнает, что дело уже прекращено судьей, который даже не пытался выяснить по этому поводу мнение самого потерпевшего.

³ Смирнов А.В., Калиновский К.Б. Уголовный процесс: Учебник для вузов // Под общей ред. А.В. Смирнова. - М: Кнорус, 2008. С.601.

⁴ Говоря о контроле за законностью и обоснованностью применения последней из названных мер пресечения, мы, естественно, отдаем отчет в том, что пока в силу ряда объективных и субъективных причин она еще практически не применяется.

⁵ В этом контексте мы, прежде всего, имеем в виду те вопросы, которые составляют предмет изучения суда как при "единоличной" форме подготовки дела, так и при подготовке к предварительным слушаниям. Подчеркнем, сказанное вовсе не отрицает обязательного изучения судьей всех материалов дела, в том числе и с целью проверки иных оснований для назначения слушания и т.п.

Некоторые аспекты совершенствования процессуального статуса субъектов обжалования и опротестования в уголовном процессе

Статья 479 УПК Республики Узбекистан свидетельствует, что законодательство различает круг участников и их правосубъектность в зависимости от порядка обжалования. Каждое из лиц, указанных в соответствующих статьях УПК, вправе самостоятельно принести жалобу/протест независимо от того, подали ли жалобы другие участники процесса. При этом законодатель различает пределы прав по обжалованию судебного решения. Права участников процесса различаются по своему. Обжалование и опротестование может затрагивать как весь приговор, так и определенную его часть. Жалобы и протест могут касаться вводной, резолютивной (квалификация преступления, мера наказания) и описательно-мотивировочной части, особенно мотивов приговора, отдельных его положений, формулировок и т.д.

Умида ТУХТАШЕВА,

*доктор юридических наук, профессор,
декан факультета Уголовное правосудие ТГЮУ*

Анализ законодательства позволяет дифференцировать перечень участников процесса, имеющих право на обжалование в зависимости от пределов прав по обжалованию на лиц, имеющих право на полное или частичное обжалование. Так, лица, имеющие право на полное обжалование, следующие: осужденный, его защитник, законный представитель, а также потерпевший, его представитель, а также прокурор и его заместитель вправе принести протест. В свою очередь, группу лиц, имеющих право обжалования в части, составляют следующие лица: гражданский истец, гражданский ответчик и их представители - в части, относящейся к гражданскому иску; лицо, оправданное судом, его защитник и законный представитель - в части мотивов и оснований оправдания; лица, не являющиеся сторонами в деле, - в той части приговора, которая затрагивает их права и законные интересы.

Осужденный, как правило,

обжалует приговор в той части, которая относится к нему. Но возможна ситуация, когда в деле имеются противоречивые интересы между осужденными, то в этих случаях в жалобе одного осужденного могут затрагиваться интересы других осужденных. Представляется также, что один осужденный может подать возражения на жалобу другого осужденного, если имеется коллизия между их интересами.

Защитник - самостоятельный субъект прав. При этом надо иметь в виду, что защитник действует не вместо осужденного, а наряду с ним. Являясь представителем общего интереса, а не простым толкователем желаний своего клиента, защитник в уголовном процессе не заменяет, а только дополняет обвиняемого.¹ Это означает, что в своей процессуальной деятельности защитник должен быть солидарен с осужденным, но, разумеется, эта солидарность не должна вести к отрицанию за защитой вся-

кой самостоятельности. В своей деятельности по представлению и защите интересов осужденного защитник должен согласовывать с осужденным, как свою позицию, так и намерение использовать то или другое право. Конечно, возможно и недостижение согласования позиций с осужденным. В таком случае защитник должен разъяснить осужденному право отказаться от данного защитника и пригласить другого.

В тех случаях, когда защитник участвовал в разбирательстве, проводимом судом первой инстанции, он автоматически продолжает свою деятельность и без получения каких-либо дополнительных правомочий, допускается к участию в суде апелляционной инстанции. Исключения составляют лишь случаи, когда осужденный отказывается от защитника. Если защитник не участвовал в суде первой инстанции, он допускается на заседание апелляционной инстанции только при наличии полномочий на принесение и поддержание апелляционной

жалобы. Полагаем, что и в кассационной инстанции он может быть допущен автоматически без получения каких-либо дополнительных полномочий. Объем полномочий защитника определяется объемом полномочий лиц, чьи интересы они защищают или представляют. Они вправе подавать жалобы только с согласия защищаемых или представляемых ими лиц. Так, если осужденный или оправданный заявит о том, что не желает рассмотрения дела в вышестоящих инстанциях, то производство по жалобе должно подлежать прекращению.

По нашему мнению, если жалобу подал защитник, участвовавший в суде первой инстанции, а после постановления приговора с согласия осужденного в деле участвует другой защитник, то он вправе подать от имени осужденного дополнительную апелляционную/кассационную жалобу с изменением прежних доводов либо приведением новых.

Безусловно, одним из ключевых участников процесса является потерпевший. Мы не можем полностью согласиться с мнением Ф.Мухитдинова, что суть принципа состязательности неразрывно связана с процессуальным положением обвиняемого в суде.² По нашему мнению, наряду с обеспечением прав обвиняемого должны быть обеспечены и права потерпевшего. Нам близка позиция М.Утепбергенова, который отмечает, что при состязательности принцип права на обжалование трансформируется в равноправие сторон, и возможность обжалования -

